

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

АРХИТЕКТУРА НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ КАФЕДРАСИ

Қўлёзма ҳуқукида

ХАМИДОВА ДИЛДОРА

**ЧОРБОҒ УСЛУБИДАГИ МИЛЛИЙ ИСТИРОҲАТ БОҒИ ВА УНИНГ
ЛАНДШАФТЛАР ДИЗАЙНИ ЕЧИМИ**

Мутахассислик 5А580104 – “Ландшафт архитектураси”

Архитектура магистри даражасини олиш учун

ДИССЕРТАСИЯ

Диссертасия кўриб чиқилди
ва ҳимояга қўйилди
№ ____ баённома _____ 2009 й.
“Архитектура назарияси ва тарихи”
кафедрасининг мудири А.С.УРАЛОВ

“ _____ “ _____ 2009 й.

Илмий раҳбари: арх.ф.д.,проф.
_____ А.С.УРАЛОВ
Илмий маслахатчи:
_____ ХАЙДАРОВ А.

САМАРҚАНД – 2009

Мундарижа

Кириш_____

И-боб Чорбоғ услубидаги миллий боғларнинг тарихий шаклланиши_____

- 1.1. Ўрта асрлар боғ истирохатчилик санъатида “чорбоғ” усулининг шаклланиши_____
- 1.2. Чорбоғ услубидаги тарихий боғларнинг меъморий режавий ечимлари_____
- 1.3. Чорбоғ услубининг миниатюрадиги ифодаси
1-боб хулосаси_____

ИИ-боб Чорбоғ услубидаги замонавий миллий истирохат боғларининг меъморий режавий ечимига хос хусусиятлар

- 2.1. Чорбоғ услубининг график реконструкциялари_____
- 2.2. Чорбоғ услубидаги меъморий боғларнинг параметрлари_____
- 2.3. Чорбоғ услубидаги замонавий боғларнинг меъморий режавий ечимлари_____
- 2-боб хулосаси_____

ИИИ-боб Чорбоғ услубидаги миллий истирохат боғининг ландшафт дизайни_____

- 3.1. Боғ рельефининг ландшафт ечими_____
- 3.2. Ўсимлик дунёсининг ландшафт ечими_____
- 3.3. Сув дунёсининг ландшафт ечими_____
- 3.4. Мўжаз меъморий шакллар_____
- 3.5. Ташқи ободонлаштириш жиҳозлари ва тўшамалар_____
- 3-боб хулосаси_____

Якуний хулоса: диссертасия натижалари ва таклифлари_____

Фойдаланилаган адабиётлар рўйхати_____

Кириш

Диссертасия мавзусининг долзарблиги. Бугунги кунда миллий маданият ва санъатимизнинг барча сохаларини қайта жонлантириш ва такомиллаштириш, илғор умуминсоний қадриятларни тинмай узлаштириб бориш билан бирга узлигимизни, енг самарали миллий анъаналаримизни сақлаб қолиш ва ривожланиш масалалари республикамызда қабул қилинган миллий ғоя дастурида акс еттирилган. Маданий меросимизнинг ана шундай сохаларидан бири бу Зарафшон воҳоси халқларининг боғ-истирохатчилиқ санъатидир. Бу санъатнинг шарқда, жумладан Турон ва Ерон халқларида жуда қадим замонлардан бошлаб шакилланиб ва ривожланиб келганлиги бизга тарихий ёзма манбалардан маълум.

Афсуски, бу сохани чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш, унинг самарали тамоилларини бугунги ҳаётимизга жорий қилиш ишларига еътибор суст қаратилмоқда. Фақат Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказида улуғ алломалар ва симолар юбелейлари муносабити билан қурилган меъмориал боғ хиёбонлар етиборга олинмоқда бу санъатнинг миллий кансепсиясини яратиш ва уни қайта тиклаш устида илмий ижодий ишлар олиб борилмаётир.

Вилоятларда ташкил етилаётган намунали хужалиқ боғлари билан ўзбек халқининг меъморий тарихий боғлари ва миллий боғ-истирохатчилиқ санъати орасида кескин фарқ мавжуд. Вужудга келган ана шу номувофиқликка барҳам бериш ва ўрта асрлар миллий боғ-истирохатчилиқ санъатини қайта жонлантириб, уни янги умуминсоний қадриятлар поғонасига кўтариш, ўрта асрлардагидик ушбу санъатнинг жаҳон тамаддунидаги муносиб урни ва ролини қайта тиклаш, уни жаҳон халқларига намойиш қилиш вақти келди деб ўйлаймиз. Бу еса бугунги кун ҳаётий ихтиёжларимиздан келиб чиқувқи умумийлик долзарб муамодир.

Мавзанинг урганилиш даражаси. Ўрта Осиё халқларининг боғ-истирохатчилиги ҳақидаги тарихий маълумотлар қатор ёзма манбаларда “Бобурнома” “Зафарнома” “Убайдулланом” “Бухоро тарихи” каби китобларда ҳамда Ўрта Осиёга келган қадимги араб географлари ва бошқа хорижий тарихчилар ва елчилар ва саёхатчилар томонидан бу ҳақда қизиқарли маълумотлар берилган.

Бироқ шуни такидлаў зарурки бу асарлар ва тарихий манбаларда Марказий Осиё боғ-истирохатчилиги санъати ҳақидаги маълумотлар асосан ёзма шаклда қисқа ва мўжаз ахборотлар тарзида ёритиб қолдирилган. Уларда қайси боғ ёки чорбоғ, қачон ва ким томонидан, нима мақсадда ва фақат, айрим холлардагина, қай тартибда қурилганлиги ҳақиджа ёзилган. Бу боғларнинг режаси боғларда екин екилган дархт ва гуллар, қушқ ва саройлар ҳақида баландпарвоз сўзлар келтирилган.

Жумладан, Мухаммад Захриддин Бобурнинг “Бобурнома” асарида Бобурнинг узи бунёд етган боғлар шунингдек Темур ва Темурийлар томонидан Самарқанд ва Хирпотда яратилган боғлар хусусида, Ибн Ақрбшоҳнинг “Темур тарихида тақдир ажойиботлари” ва Шарафиддин Яздийнинг “Зарафнома” асарида ҳам Амир Темурнинг Самарқанд шаҳри атрофида бунёд етган боғлари ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилган. Шу асарлар китобида “Бобурнома” ва

“Зафарнома”га ишланган миниатюралари ҳам мавжуд. Уларда Бобурнинг Қобул ва унинг атрофидаги ҳамда Дехли Одинапур ва Гулаверда бунёд етган боғларининг айрим куринишлари тасвирланган. Уларни куриб, биз урта аср миллий шарқона боғнинг тузилиши, уларнинг шаклу-шамойиллари ҳақидаги дастлабки тушунчаларни куз унгимизга келтирамиз. Тарихчи археологлар ҳам бу соҳада нафақат ёзма, балки далилий ашёлар, боғлардаги кушк саройлар, уларнинг безаклари ҳақида қимматли ашёвий маълумотлар топган, айрим ҳолларда ҳатто уша боғлар ва боғ-саройлар тарихини граффик тиклашга ҳам жазм қилганлар. Масалан, тарихчи архелог олим У. Алимов Амир Темур бнёд етган боғлардан айримларининг схематик режасини шу жумладан улардаги саройлар: Боғи Давлатобод, Боғи Булди, Боғи Дилкушо саройларининг тарихни график тиклашга ҳаракат қилган.

Академик Г.А. Пугаченкова Ўрта Осиё боғ-истирохатчилик санъати анъаналарини атрофлича урганиб, ана шу боғларга хос “чорбоғ” нинг аксонометрик тасвирларини яратди.

Архитектура доктори А.С. Уралов узининг шогирдлари проф. К.Ж. Рахимов ва Н.В. Дробченколари ҳамкорлигидаги “Чорбоғ” нинг янги график тасвирини яратди.

Бизгача сақланган ўрта аср миниатуралари ҳамда У.Алимов, Г.А. Пугаченкова, Д.А. Нозилов ва А.С. Ураловлар ишлаб чиққан график тасвирлар ва илмий маълумотлар бизнинг урта аср Шарқона миллий боғларимиз, айниқса чорбоғ ҳақидаги билимларимизни анча бойитишга ёрдам беради.

Архитектура доктори, академик М.С. Булатов узининг “Садқ и парки эпохи Темура и Темуоидов” номли мақоласида Амир Темур ва Темурийлар, шунингдек, Бобурийлар даврида Шимолий Хиндистонда бунёд етилган боғлар мисолида уша давр боғларининг узига хос таснифтизими ишлаб чиққан. Шунингдек, архитектура фанлари доктори С.С. Ожегов., А.С. Уралов, техника фанлари доктори К.Ж. Рахимовларнинг “Ландшафт архитектураси ва дизайни” номли китобида, А.С. Уралов ва М.Х. Хожихоналарнинг “Темурийлар манавияти ва маданияти” номли монографиясида, тарих фанлари доктори Т.Ш.Ширунов ва тарих фанлари номзоди А.Бердимуродовларнинг “Амир Темурнинг Самарқанддаги боғлари”

номли рисоласида ҳамда архитектура фанлари доктори М.К.Ахмедовнинг малакаларида урта асрлардаги Шарқона боғ-саройлар ҳақида жуда қизиқарли маълумотлар келтирилган ва хусусан, “чорбоғ”ларнинг тузулиши ва таснифтизими ҳақидаги янги фикр мулохазалар ишлари сурилган. Бу масала, шунингдек, олима М.С.Тохтаходжаева ҳам яқиндан ёндошиб, узининг “Общее в архитектурно-планировочных приёмах садовопаркового искусства Средней Азии ХИВ-ХВ вв и Индии ХВИ-ХВИИ вв” деган мақоласида Ўрта Осиёда Темурийлар даврида тикланган боғлар билан Бобурийларнинг Хиндистонда, хусусан, Кашмир ва Лахорда бунёд етган боғлари орасида узига хос тарихий –тадрижий давомийлик ва анъанавийлик борлигини ва, айти пайтда, улар орасидаги мавжуд тафовутларни, яни меморий узига хослигини ҳам аниқлашга муваффақ булган [24].

Ўрта аср чорбоғлари ҳақида архитектура доктори Ш.Аскарров ҳам узининг “Регион-город-пространства” номли китобида ландшафт архитекторлари учун жуда фойдали бўлган илмий тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиққан.

Архитектура номзоди Н.В. Дробченко “История становления и пути развития ландшафтной архитектурной архитектурқ в Ўзбекистане” мавзусида диссертасия ёзиб, унда Ўзбекистон ландшафт архитектурасининг шаклланиш ва ривожланиш йўллари асослаб бериш билан бирга “Чорбоғ” услубини қайта тиклаш ғоясига ҳам тухталиб утган.

Бироқ, таъкидлаш зарурки, юқоридаги бизга маълум бўлган тарихий ёзма манбалар ва мавжуд илмий адабиётларда келтирилган маълумотлар урта аср миллий Шарқона боғ-оройишчилиги етарлича хизмат қила олади, деб айта олмаймиз. Бу соҳадаги замонавий илмий тадқиқотлар ва ижодий лойиҳавий изланишлар еса Республикамизда ендигина бошланмоқда десак ҳато қилмаймиз. Чунки ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган улкан узгаришлар каби ландшафт архитектураси ва боғистирохатчилик санъатида ҳам мўлор тарихий миллий меросимизга қайтишимиз ва уларни тиклашимизга чуқур маънавий ехтиёж сезилмоқда.

Илмий ишнинг мақсади: Зарафшон воҳаси халқларнинг миллий бунёдкорлик қадриятларига хос бўлган замонавий, бироқ шу чоққача илмий жиҳатдан кам ишланган соҳаларидан бири бўлган боғистирохатчилик санъати ва ундаги “Чорбоғ” услубини қайта тиклаш, уни ҳаётга жорий қилиш концепсиясини ишлаб чиқишдир.

Илмий ишнинг янгилиги. Хозирга қадар нафақат Зарафшон воҳасида. Балки Ўрта Осиё меъморчилиқ ва шаҳарсозлик фанида ҳам боғ-истирохатчилик санъатининг “Чорбоғ” услуби тулигича ёритилиб, унинг мазмун ва моҳияти очиб берилмаган. Мазмун диссертасияда еса бу иш илк бор бажарилди ва илмий асослаб берилди.

Тадқиқот объекти ва предмети. Зарафшон воҳаси халқларнинг боғ-истирохатчилик санъатидаги “Чорбоғ” услуби ва унинг меъморий-режавий ва ландшафт ечимларини тадқиқ ва таҳлил қилиш.

Мавзунинг илмий аҳамияти шундаки, Ўзбекистон архитектурашунослигида ушбу муаммо илк бор илмий жиҳатидан бажарилди ва диссертасия мавзуси тарзида қуйилиб, унинг асосида енди масалани кенгроқ, яъни Ўрта Шарқ мамлакатлари, Ўрта Осиё республикалари ҳамда Афғонистон, Ерони, Покистон ва Хиндистон мамлакатлари мисолида тадқиқ қилишга ва мавзунинг илмий натижаларини янада такомиллаштиришга қулай илмий имконият туғилди.

Амалий аҳамияти еса Зарафшон воҳаси боғ-истирохатчилик санъатида “Чорбоғ” услубини амалий жиҳатидан қайта имкониятининг илмий асослари яратилганлигидадир.

Тадқиқот услуби мавзуга тегишли тарихий манбалар, махсус илмий адабиётлар, график материаллар, миниатюралар ва бизгача сақланган тарихий боғларимизни урганиб илмий таҳлил қилиб, графоаналитик усулда таққослаб, уларни умумлаштириш ва шу асосда илмий хулосалар ва таклифлар ишлаб чиқишдир.

Диссертасия кириш, 3 та боб, якуний хулоса ва фойдаланилган адабиётлар руйхатидан иборат бўлиб, _____ бетдан ташкил топган. Диссертасияга _____ расм ва 2 та жадвал киритилган.

И-боб-боб Чорбоғ услубидаги миллий боғларнинг тарихий шаклланиши

1.1. Ўрта асрлар боғ истирохатчилик санъатида “чорбоғ” усулининг шаклланиши

Марказий Осиё боғ-паркчилик санъати тарихига бағишланган илмий адабиётлар бир талай бўлса-да, улар узларида асосан урта асрларда, хусусан, барпо етилган боғлар тарихи акс еттирилган. Улар ичида кенгриқ уринни Амир Темур ва Темурийлар даври боғпаркчилик санъати егаллайди. Г. А Пугаченкова, В.И. Вяткин, И.О. Сухарев, У. Алимов, М.С. Тухтажумаева, М.С. Булатов, А.С. Уралов, К.Ж. Рахимов, Т. Ш. Ширинов, А. Бердимуродовларт уз ишларида масаланинг айнан ушбу даврига еътибор қаратганлар. Бироқ, сир емаски, Шарқ мамлакатларида боғлар яратиш тажрибаси ландшафт меъморчилиги ва шаҳарсозлк санъатининг мухим таркибий қисми тарзида жуда қадим замонлардан бошлаб тараққий топган (28). Илк боғлар қадимги ехромлар, ибодатхоналар, ҳукумдорлар саройлари қошида яратилиб, боғлар ҳақида рисолалар ёзилган ва дostonлар тукилган. Жумладан, Фирдавсийнинг “Шохнома”сида Ерон шохининг уз юрти ва забт етган улкаларида ғаройиб шаҳарлар, саройлар, гузал боғлар бунёд етганлиги ҳақида куйланади. Қадимги Бобил “ икки дарё оралиғи” мамлакати шаҳрининг афсонавий “осма боғлари” еса дунёнинг “етти мўжизаси” таркибига киритилиб, боғ-паркчилик санъатининг асрлар оша орзуманд намунасига айланиб қолган (1-расм).

Марказий Осиёнинг қадимги боғ-парклари ҳақида антик даври муаллифлари, жумладан Диадор ва Квинт Курсий Руфлар хабар беради. Уларнинг ёзишича, бундай боғлар учун одатда кенг яшил майдонлар, сувлоқ тоғ олди яйловлари ва қалин урмонзорлар танланиб, улар ҳукумдорларнинг ов қилишлари ва дам олиб хордиқ чиқаришлари учун мўлжалланган (28). Уларда ов пайтида фойдаланадиган махсус буржлар ва иморатлар қурилган, турли хил ёввойи ҳайвонлар сақланиб урчитилган. Бундай боғлар уша давр ҳукумдорларига бойлиги, яшаш ва дам олиш услубларидан дарак беради. Бундай боғлар махсус режа асосида қурилганми ёки йўқми, бу ҳақда бирор нарсa дейиш қийин. Бироқ, улар ўзларининг шаклланиш омиллари, егалланган жойлари ва табиий манзараларга кўра мунтазам режали боғларда кескин фарқ қилган. Шу сабабли уларни еркин режали манзарали боғлар турига киритиш мумкин.

“Макидониялик Искандар тарихи”нинг муаллифи римлик Квинт Курсийнинг ёзишича, Искандар Марказий Осиёга бостириб келганда “Базайра” номли жойда барпо етилган манзарали боғда аскарлари билан ов қилиб дам олади ва бу овда турт минг ҳайвонни отиб улдиради. Тарихчи олимларнинг фикрича, ушбу боғ Мароқанд шаҳрига, яқин қадимги Самарқандга яқин жойда булган. Боғ жойлашган жойни қадимги юнон тарихчиси Диадор “Базайра” емас, “Бсиста” деб

номланган. У. Мончадская еса “Басиста”ни “Боғистон” сузининг юнонлаштириб ёзилган куриниши емасмикан, деган фикрни билдиради (28). В. Томшек еса Басистанинг жойини Ургут тумани худудида туғри келади, деб тахмин қилади. Тарихий манбаларда курсатилишича, ушбу боғ ута кенг тоғлик яйловларга, қалин дарахтзорларга, турли хил ёввойи қулга ургатилган ҳайвонларга бой бўлган (28,б.32).

Шунингдек, антик давр манбаларида Афғонистондаги Тошкурғондан мазори-Шарифгача бўлган кенг яйловларда Амударёнинг унг соҳилига яқин туқайзорларда қадимги замонлардаги подшоҳларнинг ҳайвонлар устирадиган ва сақланадиган улкан боғлари ҳақида ҳам маълумот мавжуд (28). Уларда сон-саноксиз кийиклар ва ёввойи чучқалар тудаси, уларо орқасидан тушган бурилар галаси ва хатто гуёки шерлар ҳам устирилган. Ана шундай шерларнинг қушни Тожикистонда ҳам булганлиги ҳақида ерамизнинг бошида ёзилган Хитой йилномаларида еслатиб утилади (28,б.33). масалан, ерамизнинг 87 йилида Кушон елчилари Туркистондан Хитой подшоҳларига совға сифатида шерлар етган. Тахминан шу жойларда 1258 йили Чингизхоннинг уғли Хулағухон ҳам шерларни ов қилган, шерлар ҳақида машҳур хитой сайёҳи Марко Поло ҳам, ҳамда 15 аср муаллифлари ҳам еслатиб утади (16).

Тожикистондаги Муг қасрида топилган 13 аср ҳужжатларининг бирдан Панжикент ҳокими Деваштичининг баланд деворлар билан уралган истирохат боғи”пардоз”и булганлиги ҳақида хабар берилади (27). “Парадиз” сузи қадимги еронча жой” маъносини беради. “Парадиз” ов қилинадиган ҳайвонлар сақланадиган боғ ёки парк маъносини ҳам англатган. Тарихчи О.И. Смирнова Деваштичининг ушбу боғини шаҳардан ташқарида, Панжикент тоғликларида жойлашган, деб тахмин қилади. Уша ҳужжатларда ушбу боғга махсус бошлик тайинланганлиги ҳам курсатилган. Бу нарса боғни ҳақиқатдан ҳам куриқланганлигини ва унинг ҳамда ҳуқумдор Деваштинч ҳаётида алоҳида аҳамият касб етганлигини билдиради.

Ҳайвонатда бой яйловли кукаламзорлар боғ-куриқхоналари бунёд етиш анъанаси Марказий Осиёда урта асрларда ҳам давом еттирилган. Наршахийнинг “Бухоро тарихи” китобидан ёзилишича, Корахоний Шамс ал-Мулк (1068-1080) Бухорога хоноконлик қилган даврида шаҳарнинг Иброҳим дарвозасига яқин бўлган қарийиб ярим фарсанг жойда гўзал боғ бунёд етиб, ул жойга “Шамсобоғ” деб ном беради (8). Шамсобоғда туташ жойда кенг утлоқ (улан) ташкил қилиб, уни “курик” деб атайди. Курик атрофини девор билан ураб, ичига подшоликка хос каср ва каптархона қуради. Куриққа қулга ургатилган турли ҳайвонлар: буғи, кийик, тулки ва айиқлар сақлайди. Ҳайвонларни парвариш қилиб турадиган махсус кишилар тайинлайди. Хуллас, Шамс ал-Мулк ушбу боғни дам олиб хордиқ чиқаришга мулжалланган махсус куриқхонага айлантиради.

Ибн Батута Ўрта Осиёга қилган саёхати ҳақида ёзар экан Мовароуннаҳр султони Тармашириннинг (1326-1334) ҳам овга мулжалланган боғ куриқхонаси булганлигини еслатиб утади (18). Бироқ у куриқхонанинг айнан қаерда жойлашганини ёзмаган. Ибн Батута Тармаширинни сунги бор унинг ана шу куриқхонаси йўлида куриб ҳайирлашган ва сунг Самарқандга қараб йўл олган. Демак, куриқхона Бухоро атрофида, Самарқанд йўлига яқин жойда бўлган куринади.

Муълумки, Амир Темур ва Мирзо Улуғбеклар ҳам ўз замонасида Самарқанд шаҳри атрофларида 14 та турли боғроҳлар яратган едилар. Ушбу боғлар орасида ов қилиб кунгил очишга мулжалланган боғ-қуриқхоналар ҳам бўлган. Жумладан, Амир Темурнинг Боғи Жахоннома, Боғи Беҳишит, Тахти Корача ва Давлаобод боғлари ана шундай мақсадларда фойдаланилган. Бу боғлар егаллаган ҳудудлар ва уларнинг майдони Темурнинг бошқа боғларига нисбатан анча катта бўлиб, уларда ов учун мулжалланган махсус ёввойи ҳайвонлар ва паррандалар сақланган. Масалан, Давлатободда кийик ва қирғовуллар сақланган бўлса, Жахоннома ва Боғи Беҳиштнинг махсус ҳайвонотхоналари бўлган. Боғлар учун танланган жойлар ҳам ов мослаштирилган қурилмалардан ташқари дам олишга мулжалланган шохона кушк-саройлар ҳам бўлган. Бу еса уларнинг нафақат боғ-қуриқхона балки боғ-саройлар вазифасини ҳам бажарилганлигидан далолат беради.

Қуриқхона боғларни ташкил етиш Марказий Осиёда хонликлар даврида ҳам давом еттирилди. Жумладан, Қукон хони Худоёрхоннинг ов учун ташкил етилган махсус қуриқхонаси бўлган.

Зарафшон воҳоси ҳалқларининг қадимги давр ва илк урта асрлардаги боғчилик хужалиги ва кукаламзорлаштириш тажрибаларига юқорида тавсифи келтирилган боғ-қуриқхоналаридан ташқари шахристонлар ва уларнинг атрофларида бунёд етилган “чорбоғ”лар ҳамда шаҳар ичи майдонларига, кучалар ва ариқлар буйларига екилган манзарали ва мевали дарахтлар ҳам кирган.

Чорбоғ масаласига келсак, улар Аҳмонийлар сулоласига асос солган подшоҳ Кир ИИ ва унинг давомчилари (милоддан аввалги 545-330 йиллар) давридаёқ шакллана бошланганлиги манбалардан маълум Жумладан, хинд олими М. Рандхаванинг фикрича, Кир ИИ қадимги Еронда ва Марказий Осиёда чорбоғлар бунёд етган илк ҳукумдор саналган (28). Аҳмонийлар даврида чорбоғлардан ташқари кенг ҳудудли сувлоқ яйловлар ва урмонларда девор билан айлантирилган боғ-қуриқхоналар ҳам бунёд етилган. Бироқ, чорбоғлар сувга танқис иссиқ иқлими мамлакатларда ундан тежамли фойдаланиш ва меъморий боғлар бунёд етиш тажрибаси асосида яратилган бўлса ажаб емас. Жумладан, милоддан аввалги асрларда Маркизий Осиёдаги Парфия давлатининг подшоҳлари узлари учун саройлар қурдириб, уларнинг атрофини тартибли режадаги боғлар ва сув хавзалари билан ураган (28). Бундан англашиладики, чорбоғлар Ерон ва Марказий Осиёнинг қадимги давр ва илк урта асрлардаги боғларига ҳам хос меъморий услубиятдир.

Шундай қилиб, Марказий Осиёнинг қадимги давр ва илк урта асрлардаги боғпаркларини қуйидаги турларга бўлиш мумкин: ов қилишга ва турли хил ёввойи ҳайвонлар сақлашга мулжалланган боғ-қуриқхоналар, ҳукумдорларнинг оилалари билан дам олишга мулжалланган боғ-саройлари (чорбоғлар), шаҳар майдонларида, шахристон ташқарисидаги рабодлар ва мавзеларда бунёд етилган мўжаз боғчалар.

Ушбу йўналишлардаги бу боғчилик анъаналари Марказий Осиёда урта асрларда ҳам сақланиб қолди ва ривожлантирилди. Амир Темур ва Темурийлар даври боғлари ва бизгача сақланиб қолган Бухородаги XIX аср охири ва XX аср бошларида барпо етилган Ситораи Мохи-Хосса чорбоғи ва ундаги баланд

чинорлар тагида еркин сайр қилиб юрган тустовуқлар ва охулар фикримизнинг далилидир.

1.2. Чорбоғ услубидаги тарихий боғларнинг меъморий режавий ечимлари

Мени кўпдан бери Ўрта Осиё истироҳат боғ-саройлари ўтмишда қандай меъморий тартиб ва режаларда ишланган деган савол қизиқтириб келмоқда. Бу соҳадаги материалларни ўрганиш шуни кўрсатдики, ўтмишдаги меъморий боғлар қиёфаси икки хил: 1) симметрия асосида тўғри геометрик шакллардан тузилган тартибли мунтазам режада; 2) табиат ҳушманзаралари тарзида ташкил етилган еркин режавий ечимларда шакллانган.

X1B-XB асрлардаги Самарқанд ва Хирот боғларининг асосий қисми биринчи хил кўринишдаги боғлардан ташкил топиб, уларнинг тузилиши анъанавий “чорбоғ” тартибига бўйсунган. Чорбоғлар режаси асосан тўғри тўртбурчак ёки тўртбурчак шаклидаги деворлар билан ўралган тенг тўрт ва ундан кўп қисмдан иборат боғлар бўлган. Уларнинг дарвозалари бўлиб, бош ва ён дарвозалардан боғ ўртасидаги иморатга бориладиган хиёбонлар, одатда, чорбоғ майдонини симметрик ёки шунга яқин ҳолда жойлашган бир талай тенг тўртбурчак “чорчаман”ларга бўлган. Хиёбонлар ва деворлар бўйлаб сада, чинор, терак, қайроғочлар, чорчаманларга еса турли хил меваги дарахтлар ва фаслга қараб очилувчи нафис гуллар екилган.

Али Яздий Самарқандда бунёд етилган “Боғи Дилкушо” мисолида чорбоғни қуйидагича таърифлайди: “Боғ тўрт бурчак шаклида бўлиб, ҳар бир томони бир ярим минг газга баробар. Тўрт томонининг ҳар бирининг ўртасида биттадан баланд дарвоза ўрнатилдики, уларнинг токи, осмоннинг муқарнас шифтига юксалган... Боғнинг тўрт томонидаги тўрт бурчакнинг ҳар бирида ат-Тоир ошёнига етгудек кабутар буржи қад кўтарган. Буржлар кошинкорлик санъати билан бағоят нафис ва гўзал қилиб безатилган. Боғ саҳни ҳандаса услубида тўрт бурчак шаклидаги тенг чаманзорларга бўлинган. Ўтар йўллар четида оқ тераклар, олти бурчак ва уч бурчак чаманзорлар атрофида еса турли-туман меваги дарахтлар ва гул буталар... Боғнинг ўртасига учта баланд токли, куббаси еса кукка бош тортган бир қаср кўрдилар...”.

Чорбоғнинг келиб чиқиши фикримизча, қуйидаги мулоҳазаларга алоқадордир. Шарқ мамлакатларида, айниқса, қадимги Ерон ҳудудида яратилган халқ афсоналарида атрофи, яъни тўрт тала тарафи баланд ва қалин деворлар билан тўсилган “Боғи Ерам” ёки “Жаннат боғлари” ҳақида фикр юритилади. Жаннат боғлари тарифидан киши завқланади, дили яйрайди. Ҳатто боққа кириб, холи қолишни орзу қилади. Негаки, бундай боғда йилнинг барча фаслларида ҳам ям-яшил дов-дарахтлар, бута ва атиргуллар, чаманлар мавжуд. Серсоя хиёбонлар, ҳалганчаклар, шарқираб оқаётган зилол сувлар “Оби зам-зам”, мафтункор фавворалар, шалоалар, ҳовузлар бор, унда балиқлар, ўрдаклар, боғда оху ва кабутарлар, булбуллар, товуслар яйраб юради. Боғ ичида мовий кўл, кўл ўртасида дарахтларга бурканган оролча, боғ марказида еса кўркам ва маҳобатли гир айвонли еҳром, унинг атрофида гўзал қушлар, супа ва ҳовузлар мавжуд. Ушбу

ҳовузлардан тўтр тарафга кетган ариқлар, ариқларда қалқиб оққан қизил олмалар...

Улуғ бобокалонимиз, масалан Навоий ҳам ўз асарларида жаннат оройишли боғларни неча бор тасвирлаган. Жумладан, “Садди Искандарий” да:..боғ таровати яшил осмон сингари беғубор, унда очилиб ётган ҳар бир гул юлдузни еслатади. Боғдаги дарахтлар тўрт девордан, девор емас, заркор осмондан ҳам ошиб кетган... “Дарахтларнинг тагида чаман-чаман гул чечаклар, лола билан кук майсалар бамисоли нақшин гилам, оқ гуллар еса шу гилам устига тўкилган кумушни еслатади. Бу гулшан ичида бир кенг жой бўлиб, бу жойнинг ўртасида бир баланд иморат қурилган. Унинг сахнлари, равон ва шифтлари бошдан-оёқ олтин билан зийнатланган. Ёиштлари чинни ёиштлар бўлиб, тиниқликда ҳудди чин ойнасига ўхшайди. Қасрнинг ичи бошдан-оёқ зангор, ешикларнинг ҳаммаси гавҳар билан зийнатланган.”, деб ёзади (Тошкент, 1978, насрий баён).

Кўп марталаб ешитилган бу ҳикоятлардаги жаннатсимон боғлар, дарҳақиқат, ҳалқимиз орзу-умидларининг неча асрлардан бери дилимизда сақланиб келаётган рамзи сифатида кўз олдимизда гавдаланади. Ушбу тўрт томонлик жаннат боғлари ва улардаги “Оби зам-зам” дан чор атрофга кетган жаннат ариқлари ҳалқимиз онгида пировардида, чорбоғ услубидаги тартибли мунтазам режали боғларни бунёд етиш амалиётини келтириб чиқарган бўлса ажаб емас. Зотан, ҳалқимизнинг тўрт тарафи иморатлар ва девор билан айлан-тирилган ҳовли-жой қуриб уни кўркем боққа айлантириш удуми ҳам шу фикрни тасдиқлаб турибди.

Ўрта Осиёнинг жазирама иссиқ шароитида сувнинг танқислиги сабабли ҳовли боғлари жуда ихчам бўлган. Боғни тўрт қисмга бўлувчи ариқлар, боғ ўртасидаги супа, фаввора ёки манзарали кўркем, масалан сарв дарахти ва бирин-кетин очилувчи гуллар, дарахтлардаги ғарқ пишган мевалар жаннат рамзини еслатган. Кўриниб турибдики, чорбоғ бу турли ҳилдаги тўртта боғ емас, балки махсус дастури амалга асосланган, яратилиши миллий, бадий эстетик ғоя билан мужассамланган, яхлит меъморий мунтазам услубда иш-ланган бир неча қисмдан тузилган тартибли боғдир. Бунда қисмлар сони тўрт ва ундан кўп ҳам бўлиши мумкин, аммо улар ўзаро кесишувчи бош хиёбон-лар, симметрик йўллар, шу йўллар бўйлаб кетган ариқлар билан боғланган. Ушбу ариқлар боғни суғориш учун қулай қисмларга бўлган. Зеро боғнинг бундай тартибдаги ариқлар билан шаклланиши бизнинг иқлим шароитимизга ҳам жуда мос келадики, бу жиҳатдан ҳам чорбоғ ҳалқимиз онгида анъанавий-дир.

Енди ХВИ асрнинг муаллифи Ниёзийнинг “Иршодуз-зироат фи илмид-хиросат” (екин екиш йўриқлари ва деҳқончилик илми) асарида келтирилган чорбоғнинг тархи, қурилиш ва екилиш тартиби ҳақидаги маълумотлар билан танишиб чиқайлик. Асар Ҳиротда, академик Г.П. Пугаченкованинг фикрича, аслида Навоийга, яъни “Ҳирот меъмори” га атаб ёзилган. Унда чорбоғ ташкил етиш тартиби қуйидагича баён қилинган: “Қоида шуки, чорбоғнинг гирдини девор тагида уч зироъ (1 зироъ 70 см га яқин) ташлаб, бир зироъ келадиган ариқ қазилади. Ариқнинг девор томонидаги қирғоғига бир-бирига яқинлаштириб сафидори Самарқандий (оқ терак) екиладики, у шўхнамодир.

Кажу (қарағай) у қадар латофатли емас, шунинг учун ҳожати йўқ. Боғ атрофидаги ариқ қирғоғига савсан (гулсавсар) екиш муносибдир. Кейин яна раҳ-рав учун уч заръ (заръ 107 сантиметрга тенг) ариқ йўл ташлаб, бир зиролик ариқ

қазилади. Унинг йўл томонидаги қирғоғида савсан, сафидордан беш зироъ узоқликда бўлган пуштасига (майдончага) зардолу екилади, ҳар икки зардолунинг оралиғига гули сурх ва шафтоли екиш муносибдир. Мазкур зардолунинг ҳар биридан кейин боғ ичкараси томон беш қарич оралик ташлаб, ё зардолу екиб, олу, узум пайванд қиладилар. Шундан кейин ораликдан иморат олдидаги ҳовузга борадиган тўғри ариқ чиқазилади. Унинг қирғоғига ҳамisha баҳор, савсани расмий ва ҳанжарий екиладики, улар ҳушнамодирлар.

Мазкур шох ариқнинг ҳар икки қирғоғи бўйлаб раҳвар учун атрофи ўралган йўл ташланади. Кейин себарга (беда) учун жой тайёрланади. Себаргазор томонидан алоҳида-алоҳида баланд чаҳор-чаман (тўрт гулзор) ажратилади. Биринчи чаман-анор, иккинчиси-беҳи, учинчиси шафтолу ва шадир (шафтоли-нинг бир тури), тўртинчиси амруз (нок) бўлади. Чаҳор-чаманлардан кейин боғчалар тузилади. Биринчи боғчага кук бинафша, елчи савсан ва зебо гул ҳи-собланган садбар, иккинчисига заъфарон, наргиз ва бирор оддий зебогул, бош-қасига боғ лоласи, тоғ лоласи, дардари гуш, дардари кокилий, оддий савсан, саҳройи ва оқ савсан, оддий шаккокий, яна бошқа боғчага оқ ёсуман, сариқ ургун, сариқ бинафша, лолайли ду табака, шаббуй ва сариқ лола, насрин, боғдодий, қазго, яна бирига гули раъно, буларнинг оралиқларига ҳашхон (кўк-нор гул), кейинги боғчага сариқ ёсуман, гули шаш моха, замбак (нилуфар), қаранфулгул, лиму савсани ҳатмий, уни яна гулхайри деб ҳам атайдилар, яна бир боғчага ҳатми хитой, оқ ёсуман, шаб ба дўстон, чаман афруз, лолайли хито-йи, бўстон афруз (гултожихўроз) екиладики, бу гуллар бирин кетин очилади-лар. Боғчаларнинг етагига уларнинг шарқий ва ғарбий томонларига настарин, унинг ёнида ҳовузнинг шимол томонида яна икки бута настарин екадилар. Ҳовуз иморатдан 20 заръ ёки қанча муносиб топсалар, шунча узоқликда бўли-ши керак. Иморат атрофига чинор, ғарбий томонига гилос, улар оралиғига қи-зил аргун екилади. Иморатнинг жануб томонидаги лулапулга (атрофи ариқ бўлган суфа) олма екилади. Чунки иссиқ офтоб кунлари олма дарахти унинг тафтини қайтаради ”.

Келтирилган парчадан кўриниб турибдики, чорбоғ тартиботи алоҳида қоида сифатида ёълон қилиниб, боғдорчиликда унга амал қилиш ҳалқчиллиги анъаналар қаторига кирган. Бу анъана асрлар давомида боғ усталари ва меъморлар томонидан аниқ ижтимоий буюртмалар ва табиий шароитларни ҳисобга олган ҳолда турли кўринишларда ривожлантириб келинган. Бухородаги Ситораи-Моҳи-ҳосса боғининг (XIX-XX аср) тузилиши бунга мисол бўла олади. У XIX-XX асрлардаги Самарқанд боғларига ўхшаш чорбоғлар шаклида режаланган. Боғ саҳни бир-бирига кўндаланг йўлаклар билан кесишувчи чорчаман майдончаларга бўлинган. Бу боғда ертакнамо тустовуқлар ҳам йўк эмас.

Чорбоғдаги ҳиёбонлар бош йўл ва сайргох йўлакларнинг икки тарафига қуёш йўналишига қараб соябон дарахтлар ва мавсумий гуллар екиш орқали ташкил қилинган. Ҳиёбонлар, дарахт ва ўсимликларнинг екилиш тартибига қараб очиқ ёки ёпиқ кўринишларда бўлган. Очиқ ҳиёбонларда дарахт шох-лари бир-бирига қўшилиб кетмаган. Ёпиқ ҳиёбонларда еса аксинча, дарахтлар ўсиб, йўлак устини юқоридан ёпиб қўйган. Натижада бундай ҳиёбонлар сал-қин, серсоя бўлган. Йўлак четига қўйилган ўриндиқларда ўтириб, ҳордиқ чиқа-риб дам олишган. Бош ҳиёбонлар, ҳовузлар бўйларидаги супалар, айвонлар ат-рофлари, чорбоғ деворлари

манзарали дарахтлар билан, сайргоҳ йўлакчалар ва чорчаманлар еса мевали дарахтлар билан екилган бўлади.

Манзарали дарахтлар орасида кишин-ёзин кўм-кўк бўлиб ўсувчи арчаси-мон сарв қомат дарахтлар ҳам бўлган. Бундай дарахтлар ўзларининг ранги, келишган қомати, шох-шаббаларининг тиғизлиги билан бошқа дарахтлардан тубдан фарқ қилган, ўзларидан хушбуй хидлар чиқариб, ҳавони тоза қилган.

Боғлар ичида икки ҳил манзарали муҳит, серсоя ёпиқ ва соясиз очик яшил муҳитни кузатиш мумкин. Ёпиқ яшил муҳитга, одатда серсоя хиёбонлар, йўлаклар, ҳовуз ва супа атрофлари кирса, очик муҳитга гулзорлар, майсазор ва бедазорлар кирган. Ҳар иккала муҳитнинг майдони нисбат жиҳатидан бир-бирига тахминан тенг бўлган, деган фикрдамиз. Ёпиқ ва очик муҳитда яшил майдонлар бир-биридан ландшафт, ҳавосининг мусаффолиги, намлиги ва ис-сиклигига қараб фарқ қилган, ёпиқ муҳитда ҳаво иссиқлиги сезиларли ра-вишда паст, нисбатан нам, очик муҳитда еса аксинча. Ҳар иккала муҳит микро-иқлим орасидаги ушбу фарқ туфайли боғда ёзнинг жазирама иссиқ кунлари ҳам енгил шабада тўлқини сезилиб турган. Ушбу самара чорбоғ услубидаги Ўрта Осиё боғларига хос бўлиб, серсоя сув ҳавзалари атрофидаги супа ва сўриларда янада сезиларли ва завқли бўлган.

Кўҳна боғ-истироҳатчилик санъатидаги ота-боболаримизга маълум бўлган ушбу қоида ва услубларни ҳозирги кун маъмурчилик ишларида кенг тарғиб қилишимиз, кўллашимиз ва ривожлантиришимиз зарурдир.

1.3 Чорбоғ услубининг миниатюралардаги ифодаси

Боғдаги шийпончалар, чодирлар ҳақида.

ХИВ-ХВ асрлардаги Самарқанд атрофидаги боғлар фақатгина сарой хуснига хусн қўшувчи ҳар хил дарахтлар, ариқлар, ҳовузлардагина емас, балки боғнинг ажралмас қисми ҳисобланган чодирлар шийпончалардан иборат бир бутун ансамблни ҳам ташкил етган.

Боғда сарпардалардан ташқари шоҳнинг ўзи учун ишланган алоҳида жойлар бўлганки, биз уларни қандай бўлганлигига минатюралардагина тассавур қила оламиз. Шундай минатюралардан бирида шоҳни устки қисми гуллик шойи чодирлар билан ёпилган тахта супа устида базм вақтида ўтирганини кўрамиз. Бошқасида еса боғдаги дарахтлар тагига қурилган нақшли супа тасвирланган бўлиб, атрофлари нозик қилиб тўқилган сарғиш ва қизил ипак пардалар билан ўралган. Унда ҳам шоҳнинг майшат ҳолатида кўрамиз. Чодирлар, нақшли тахта сўрилар тасвирини яна Низомийнинг “Хамса”сига ишланган минатюрада ҳам учратамиз. Улар ичида айлана шаклида (ўтовга ўхшаш) тепа қисми қуббали қилиб ишланган рангли чодирларни кўриш мумкин. Бошқа минатюраларда ҳам юқоридаги ҳолларни кўриш мумкин. Уларда ҳам подшоҳлар сўрилари устида ўтирган ҳолда тасвирланган. Кўпчилик ҳолларда сўрилар олдида отилиб турган фонтанлар акс еттирилган. Бу чодир ва сўрилардан ташқари боғларда кўчма сўрилар ҳам бўлган. Бу ҳақда Клавихо қуйидагиларни ёзган: “Елчилар киришлари билан устларига ишланган сўрилар қўйилган ва уларнинг ҳар бирида иккитадан байроқлари бўлган олтига филни кўришади”. Демак, бундан боғларда алоҳида

устиларига тахтиравонлар ортилган филлар боқилган бўлиб, улардан еҳтимол шоҳнинг ўзи яқин одамлари билан, гоҳида еса четдан келган ҳурматли меҳмонлар билан боғ ичида сайр қилиш вақтлардагина фойдаланган деган хулоса чиқариш мумкин. Боғларнинг гўзаллиги ундаги сарпардалар, айвончалардан ташқари яна юқорида айтиб ўтилганидек, фавворалар(фонтанлар),жилдираб оқиб турган ариқлар, шаршаралар, ҳовузларнинг ўзгача файз киритиши натижасида янада ортган.

Ўзма манбалардан ташқари, XV асрда мўйқалам соҳиблари томонидан чизилган минатюраларда ҳам кўпинча тол, терак, чинор каби манзарали дарахтлар, гилос, бодом, анор каби мевали дарахтлар ва ҳар хил гуллар акс еттирилганлигини кўриш мумкин.

Боғларда сайр қилиб юрган оҳулар, тустовуқ ва товуслар, ҳовузларда сузиб юрган ўрдак ва ғозлар, балиқлар боғ манзарасини янада гўзаллаштирган ва уларни кўрган кишиларда завқланиш ҳис туйғулари пайдо бўлган. Булар ҳақида ўзма манбалардан (Масалан, Давлатобод боғида оҳу ва тустовуқлар брлиги, Боғи Беҳиштда еса ҳайвонот боғи бўлганлиги тўғрисида) ўқиб минатюралардан кўриб тасаввур қила оламиз.

Маълумки, XIX асрнинг иккинчи яримида Чор Россия армияси Ўзбекистоннинг йирик шаҳарлари: Тошкент, Жиззах, Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Қуқон каби шаҳарларни истило қилади. Босиб олинган ҳар бир шаҳарда улар ўз қуними ва тинчлигини таъминлаб бўлгач, ўзлари ва армиясининг еркин жойлашиши, шаҳарлар ва округларни бошқариш, улкадаги ўз вазифаларини бошлаб юборади. Шаҳарларнинг ески қисми еса ўзгаришсиз ўз холича қолдирилади.

Чор Россияси иармияси егалланган тарихий шаҳарларда ўзлари учун шаҳарнинг янги “европача” қисмини шакллантирадилар. Шаҳарларнинг янги европача қисмида армия баталионлари, рус чиновниклари ва уларга хизмат курсатувчи русий забон аҳоли жойлаштирилиб, уларнинг еркин ва осойишта европача турмуш тарзи ва маданияти асосида яшашлари учун барча тегишли шарт-шароитлар яратиб берилади. Маиший турмуш ва тиббий бинолардан тортиб то Хиристиан дини соборларигача қурилади.

Бунинг учун еса енг аввало Чор Россияси ҳукумати истило етилган шаҳарларда янги европача шаҳар қуриш режалари ва лойиҳаларини ишлаб чиқиб, уларни ўз армиялари ва маҳаллий халқ кучи ёрдамида амалга оширишга киришадилар. Масалан, Самарқандда шунинг учун енг қулай шаҳарсозлик режаси тарзида тарихий шаҳардаги мавжуд арқалъадан бошлаб унга нисбатан радиал-доира шаклида жойлашадиган янги шаҳар қурилиши амалга оширилади. Уқдай туғри радиал ва айнан кучалар қурилиши ва уларни европача кукаламзорлаштириш, кучалар четига соя берувчи манзаравий дарахтлар (улкан чинорлар, қайроғочлар, пирамидасимон толлар) қаторлар екилиб тротуарлар вужудга келади (29).

Самарқанд шаҳар коменданти жойлашган кўча бўйлаб европача узун ва кенг хиёбон-“булвар” лойиҳаси ишланиб, амалга оширилади. Бу булвар (у ўша даврда Абрамовский булвар деб аталган) шаҳарнинг янги европача қисмини ески тарихий қисмидан ажратиб турган. Унинг дастлабки майдони 7 гектар, узунлиги-804 м, ени 133 м бўлган (28,6.31). Узун ва ени булвар бўйлаб дастлаб тўртта ёпиқ хиёбон ташкил етилган. Хиёбонларга чинор ва “Сафидори Самарқандий” деб ниланган соя берувчи оқ терак дарахтлари екилган. Кейинчалик собиқ Шуро ҳукумати даврида булвар ени анча қисқариб четки хиёбонлар урнига магистрал кучалар утказилади. Натижада у торайиб 2 хиёбонлик булварга, яъни ҳозирги куринишига келиб қолади.

Шаҳар коменданти биносининг олдида унга туташ тарзда катта боғ ҳам ташкил етилган. У датла: 6,5 гектар бўлган. Янги шҳар марказида еса Зарафшон округи бошлиғи биносининг атрофида ҳудуди 5, 67 гектарлик Янги боғ ташкил етилади (29). Боғ бутунлай европача услубида режалаштирилган бўлиб, маҳаллий Ўрта Осиё халқларининг тарихий боғ-истирохатчилик санъати, масала чорбоғ услублари қулланилмаган. Дарахтларни суғориш тизими ҳам Самарқанд шаҳри релефи, маҳаллий усимликлар ва уларни суғориш усулларига мос келмаган (21,6 55).

Округ бошлиғи биносининг олдида 1868 йилидаги жангда қурбон бўлган русларга атаб ёдгорлик ва боғча бунёд етилади.

Шаҳар комендантлари боғи ичида манзарали кўл ҳам мавжуд бўлиб, боғ атрофи девор билан айлантирилган ва ундан асосан рус чиновниклари ва уларнинг оилалари фойдаланган. Кул ичида оролча ва ярим усувчи ва соя берувчи куркам дарахтлар екилган. Уларнинг айримлари ҳозир ҳам сақланиб қолган. Боғнинг дарвозаси қошига “ Солдатам, сабакам и сартам вход а парк строго воспрещен” деб ёзиб қўйилган. Шуролар даврида бу боғлар бир-бирига қушилиб юборилиб социалистик тизимига хос “маданият ва истирохат боғи” ташкил етилган.

Ғаройиботлар

Шарқ боғ-истирохатчилиги бу шундай кукна ва жозибадор санъатки, у узининг нафақат гўзал меъморий-режавий ландшафт ечимлари, балки ҳали кўпчилик ешитмаган ғаройиб боғ оройишлари ва мўжизалари билан ҳам киши диққатини ўзига тартади. Шунинг учун ҳам Шарқ боғлари утмишда не-не шоирлар сайёҳлар, уламолар ва дунё елчилари оғзида дoston бўлган. Қуйида утмиш боғчилилик санъатига хос ана шундай ғаройиботлар ҳақида тухталамиз.

X аср бошларида Боғдод шаҳрининг улкан боғ-саройларидан бирида доира шаклидаги ярқираган ойна юзли тиниқ сувли катта ховуз бўлиб, унинг уртасига ғаройиб дарахт жойлаштирилган. Унинг 18 та шохчаси бўлиб, бутоклари кумушдан, бутокларнинг айримлари еса тиллодан ясалган. Бу бутокларга турфа рангли барглари осилиб, улар гуё ҳақиқий дарахтларнинг барглари шамолда тебранаётгандек тебраниб турган. Бутокларга кумушдан ишланган турли сунъий кушлар қундирилган бўлиб, улар тинмай чуғурлашиб туришган. Айтишларича, X асрда ушбу дарахт ҳаммадан кўра Византия елчисини ҳайратга солган екан. Гап шундаки, Византия қиролининг саройида ҳам қирол тахтининг атрофида бир неча

шоҳона уриндиқлар бўлиб, уларга кундирилган сунъий қушлар ҳам доим сайраб турган. Византия қироли бу билан чекланмасдан ўз ёнида унинг тахтини қуриқловчи тилло суви сурилган иккита катта сунъий шер ҳам сақлаган. Қабул маросимларида бу шерлар вақти-вақти билан жақларини очиб букирар ва думларини ерга уриб тепситар екан.

X асрда Мисрдаги айрим боғларда ҳам сунъий ғаройиботлар ишланиб, уларда палма дарахтларининг танаси тиллоранг металл пластикларини кумуш билан пардозланган улкан чинорлар соясида утказишни ёқтирар екан. Бағдод шаҳрининг боғ-қушқларининг бири ховуз атрофига қалайдан ишланган 400та сунъий палма дарахти утказилиб, уларнинг баландлиги бир хил 5 тирсак (тахминан 2,5 метр бўлган екан (4).

Палмаларнинг танаси то шохшаббасигача тик дарахтининг уйма пояси билан пардозланиб тилло сувига буялган металл чамбараклар билан маҳкамланган екан. Коҳира халифасига еса ҳамма нарсадан кўра унинг норанжа боғи ёкиб тушган екан. Ушбу боғга у Басра ва Омондан дарахтлар келтирар, у ерларга еса бу дарахтлар шанига шоирона шерлар битувчи шоирлар яшаган екан. Бироқ, X аср муаллифларининг хабар беришича, уша давр боғларида манзаравий екинлар турлари кўп бўлмаган: атиргуллар, нарсиссалар, тўқ –қизил анемонлар, оқ лолақизғолдоқлар, бинафшагуллар, ясмин, анор, ялпиз, чиннигул, лилия, мирта, сариқ мойчечаклар ховузларда еса нилуфар гуллари усган. Палма дарахтлари кипарис (сарв) дарахти билан бирга екилган (4).

Ҳинд халқининг Бобурийлар давригача бино етган боғларида ҳаммомлар бўлмаган. Ҳиндистон боғларининг иморатлари қаторига чумилиб сафо қилувчи ҳаммомларнинг илк бор Бобурийлар киритган. Бобур ва Акбаршоҳ қурган боғларда ана шундай сафо ҳаммомлари бўлган. Шуниси кизиқарлики, бу ҳаммомларда одатдаги ювиниш хоналаридан ташқари чумилиш ховузлари ҳам бўлган. Бобур узининг “Бобурнома” сида ана шундай ҳаммом ховузларининг бирини “дахидардах”, яъни 10x10 газ қилиб ишлатдим деб ёзган (28).

XV асрда Еронда яратилган айрим боғ-саройларда ҳам ана шундай ғаройиб чумилиш ховузлари бўлиб, уларда ҳокимлар давлат ишларидан бўш вақтларида кунгил очиб дам олишган. Шундайлардан бири Фатех Алихоннинг (1797-1837) Техрондаги “Нигаристон” номли боғ-саройидир. Унинг ичкари ховлисида икки қаватли бино бўлиб юқори қаватида хон ва унинг хотинларига мулжалланган хилватхона жойлашган. Афтидан бундай томоша Фатех Алихонга жуда хуш ёққан бўлиши керак.

Маълумки, шарқ мамлакатларида ёз узоқ ва иссиқ бўлганидан салқин муҳит яратиш масаласи жуда муҳим ҳисобланган. Иссиқ ёз кунлари кийгиз билан уралган уйлар анча салқин бўлган. Айтишларича, Ерон шоҳлари ёзнинг жазирама иссиқ кунларида ораси музга тулдирилган икки қатор деворли уйларда дам олишар екан (20). Бироқ, кейинчалик салқин муҳит яратишнинг янги услублари ихтиро қилинган. Масалан, дагал наmatни узун тортиб, унинг устидан сув томчилатган. Томчиланган сув иссиқ ҳавода буғланиб салқин муҳитни ҳосил қилган.

Дапстлаб наmatни боғдаги чодирлар устидан тортган булсалар, кейинчалик уни иморат деразаси пардалари устидан тортишган. Жумладан, томда маҳкамланган маҳсус қувурдан оқиб турган.

Самара шаҳри саройлари қошидаги боғларда еса махсус ҳайвонот хоналари бўлган. IX аср урталарида шох ал-Муътаз сарой меҳмонлари ўзининг йирик ҳайвонотхонасини кўрсатиб, унда филларни арслонлар билан уриштирган экан. Бундай томоша кейинроқ шарқда катта қизиқиш касб этган. Масалан, Мисрда серхашам ҳайвонот боғи ташкил этиб, унда ҳар бир ҳайвон ўз ховлисига ега бўлиб алоҳида катта қураларда сақланган (Ш4).

X аср бошида Бағдод саройларидаги боғда ҳам махсус ҳайвонотхона ташкил этилиб, унга турли томонлардан ҳар хил ғаройиб ҳайвонлар келтирилиб турган. Мирср вазири Жаъфар ибн ал-Фурат илонлар ва турли хил судралиб юрувчи жониворларга ўта қизиқар экан. У ўзининг мармар билан пардозланган катта саройида ўша жониворлар билан тулдирилган саватлар сақлаган. Хатто жониворларни қулга ургатувчилар ва хизматчилар тайинланган. Барча илон ушловчилар ушбу вазирга хизмат қилган. Кунлардан бирида вазир узининг ёмон курган ҳамсояларидан бирига хат юбориб, унда барча заҳарли илонларни унинг уйига урмалаб кетганини ва илон ушловчилардан уларни ушлаб келишини буюрганини ёзган. Ҳамсояси ушбу хатга уйламай нетмай: “агар бордию ушбу уйда оила билан яна бир кеча қолсам, майли менинг хотиним уч талоқ бўлсин”. Лдеб жавоб қилган экан (4).

X аср охирида Самарқанд шаҳри (ҳозирги Афросиёб) шаҳар майдонларининг бири ғаройиб “яшил зоопарк” (сунъий ҳайвонот боғи) билан безатилганлиги ҳақида биз юқорида еслатдик. Бу ҳақда араб жуғрофи Ибн Хавкал шундай ёзади: “Шаҳар майдонлари гўзаллигининг еса охири йўқ. Сарв дарахтлари кузатилиб ута ғалати оройишлар берилган. Улар ёввойи ҳайвонлар шаклини еслатарди. Киши қалбини очадиган бундай яшил оройишлар ҳар қадамда!”. Демак сарв дарахтини кузаб угнга турли хил уй ва ёввойи ҳайвонлар шаклу-шамойилларини бериш санъати Самарқандда X асрлардаёқ шаклланган бўлган.

Бўндай ғаройиботлар Амир Темурнинг Самарқанддаги боғ-саройларида ҳам бўлган. Жумладан, Бибихонимга тегишли боғларнинг бирида улкан чодир бўлиб, унинг ичида баландлиги одам буйига тенг, шакли-шамойили ва барглари дуб дарахтини еслатувчи махсус тагкурсига урнатилган “олтин дарахт” бўлган (6). Унинг танасининг катталиги одам оёғидай бўлиб, шохшаббалари ва бутوقлари ҳар томонга сочилган, мевалари еса зумрадлар, ферузалар, тук қизил ва зангори ёкутлардан, махсус танланган йирик ёрқин ва думалоқ марваридлардан ишланган. Бу “мевалар” бутун дарахтни беаган. Дарахт бутوقлари ва мевалари устига еса турфа рангли емал билан пардозланган сунъий олтин қушқчалар жойлаштирилган бўлиб, уларнинг баъзилари канотларини ёйгандек, бошқалари бутуқлар устига турган, яна баъзилари еса дарахт меваларини чўкиб тургандек ишланган. Бу ғаройиботни Испания елчиси Клавихо ўз кўзи билан кўриб есдаликларида ёзоб қолдирган.

Шаҳрисабзда Амир Темурнинг машҳур Оқ сарой мажмуаси қошидаги ўлкан боғ ҳовлининг марказида оқ мармардан фаршланган катта ҳовуз бўлиб, унда биллур сувли отма фавворалар ишлаб турган. Фавворалар суви Шаҳрисабздан 35 километр масофада жойлашган Ургут тоғи бағридаги “Тахти Қорача” чашмасидан махсус ишланган кўрғошин қувурлар орқали оқизиб келтирилган. Ўз босими

билан баланд довондан оқиб тушган сув аввал махсус бино томи устига тўпланиб, кейин фаввораларга юборилган.

Шарқ боғчилик санъатининг ғаройиботларига яна кўп мисоллар келтриш мумкин. Бироқ, юқорида баён етилган маълумотлар ҳам ўрта асрлар боғ-истироҳатчилик қанчалик оройишлар ва ғаройиботларга бой эканлигини етарлича исботлаб турибди.

1- боб хулосаси

1. Ўрта Осиё боғ-истироҳат санъатини бойитишда чет еллар билан бўлган маданий алоқалар ҳам озми кўпми меъморчилик ва боғчилик санъатига таъсир кўрсатган. Бу алоқа айниқса Амир Темур ва Улуғбек даврида бир мунча кучайган.

2. ХИВ асрнинг биринчи яримларида бунёд етилган боғлар асосан чорбоғ кўринишида бўлиб, симметрик тарзда жойлашган. Улар икки хил кўринишда: биринчи хили-геометрик шакллар асосида қурилган, иккинчи хили еса манзарали, яъни тўғри чизиқларга бўлинмаган ҳолдаги боғлар бўлган. Ҳар икки ҳолатда ҳам боғдаги барча элементлар тартиби билан алоҳида жойлаштирилган. Боғлар учун жой танлаш ва уларга ном бериш масалаларига ҳам алоҳида ётибор берилган.

3. Боғлардаги ҳар бир иморат, иншоот ва екинлар (сарой, шипонлар, ҳовузлар, дарахтлар, гуллар ва бошқалар) бир-бири билан боғлиқ ҳолда жойлаштирилган. Улар доимо бир-бирини тўлдириб турган.

4. Боғларнинг марказидан ўрин олган ҳашаматли кўшк-саройлар ҳам ўша даврнинг энг яхши боғчилик санъатига мос тушадиган уй ечим бўйича, Ўрта Осиё иқлимининг барча хусусиятларига мос ҳолатга қурилган. Уларда Ўрта Осиёда жуда қадимдан анъанавий тусга кириб қолган меъморий услубларни, яъни марказий ҳашаматли хоналарни алоҳида кўрсатиш ҳамда иморат олдига туташ қурилган айвонларни кўрамиз.

5. Чордара ва чортоқ кўринишидаги бу саройлар симметрик қоидаларга риоя қилган ҳолда қурилга бўлиб, ички кўриниши хочсимон шаклида тузилган. Уларнинг тўрт томонига жойлашган ешикларига алоҳида ётибор берилган саройларга кўпинча тўрт томонлама ешиклар ўрнатилиши (баъзиларда ешиклар ўрнида кенг панжаралар бўлиши) сабабли саройда ёзнинг иссиқ кунлари ҳам салқин ҳаво бўлган

6. Меъморилик санъатида энг юқори ўринларни егаллаган элементлардан бири-унга бериладиган нақш наволардир. Деворларни қоплашда кўп ишлатиладиган майолика, мозайка типидagi нақшларнинг ранг-баранглиги ошди, кўригнши жихатидан бойиди, уларнинг ишлатиш енгиллашди. Яна шу нарса диққатга сазоворки, бундай нақшлар киши кўзини чарчатмайди. Нақшлар ичида ўсимлик кўринишидаги нақшлар биринчи ўринда туради. Шунингдек ёзувли ва геометрик нақшлар ҳам ўз ўрнида кенг ишлатилган. Улар орасида олдинги даврлардаги меъморий ёдгорликларда учрамаган усулда, масалан, кундал типиди ишланган нақшлар ҳам учрайди. Барча нақшлар ўз жойига қараб юқори дид билан ишлатилганлиги сезилиб туради.

7. Саройларни тархи ҳамда уларга ишланган нақшларни ўрганар эканмиз, уларнинг келиб чиқиш тарихи жуда узоқ замонларга хос эканлиги, асрлар ўтиши билан улар такомиллашиб, қайта ишланган ҳолда ХИВ-ХВ асрлар талабларига жавоб бера олганлигини кўрамиз.

Шундай қилиб, ХИВ аср охири ва ХВ асрнинг биринчи ярмига оид бўлган боғсаройларни ўрганар эканмиз, уларнинг чуқур муҳокама қилиш натижасида Ўрта Осиё усталарининг қўлга киритган ютуқларини ижодий ва танқидий ўрганиш ва ижодий қайта ишлаш натижасида ҳозирги замон боғчилик санъатида яхши натижаларга еришиш мумкинлигига ишонч ҳосил қиламиз.

1. Шарқ мамлакатларида боғлар яратиш тажрибаси ландшафт меъморчилиги ва шаҳарсозлик санъатининг муҳим таркибий қисми тарзида жуда қадим замонлардан бошлаб тараққий топган. Илк боғлар қадимги еҳромлар, ибодатхоналар, ҳуқумдорлар саройлари қошида яратилган.

2. Зарафшон воҳасининг қадимги давр ва илк ўрта асрлардаги боғ-паркларини бундан ташқари ов қилишга ва турли хил ёввойи ҳайвонлар сақлашга мўлжалланган боғ-саройлари (чорбоғлар), шаҳар майдонларида, шаҳристон ташқирисида рабодлар ва мавзелада бунёд етилган мўжаз боғчаларга бўлиш мумкин.

3. Зарафшон воҳасида Темур ва темурийлар, сўнгра хонликлар даврида қурилган боғ-саройларнинг функционал таснифини куйидагича кўрсатиш мумкин:

- елчилар ва хорижий меҳмонларни қабул қилишга мўлжалланган боғ-саройлар;
- олим ва уламолар билан суҳбат уюштириш ва дам олиш боғлари;
- кўриқхона ва ов қилишга мўлжалланган боғлар;
- миллий спорт уйинлари ва байрамларни ўтказишга мўлжалланган боғлар;
- ҳуқумдорларнинг оилалари билан дам олиш ва кўнгил очар боғ-саройлари;
- мақбара боғлар.

Табиийки, бу боғ-саройларни яратган меъмор ва боғбонлар уларда ўша давр боғ-истироҳатчилик санъатининг энг яхши намуналарини акс эттиришга интиланлар. Темур ва Темурийлар боғлари учун кўпроқ илгаридан мавжуд манзилгоҳлар, суви етарлик боғлар, хушманзара дарахтзорлар, ўт-ўланлар қўшиб олиниб, қайтадан режаланган, махсус лойиҳаланган. Фақат айрим боғлар янгитдан ишланган. Ҳар иккала ҳолда ҳам улар учун манзарага бой жойлар танланган. Боғларнинг аксарияти чорбоғ услубида шакллантирилган.

4. Чор Россияси даври боғ-хиёбонлари бутунлай европача услубида режалаштирилган бўлиб, маҳаллий Ўрта Осиё халқларининг тарихий боғистироҳатчилик санъати, масалан чорбоғ услублари қўлланилмаган. Дарахтларни суғориш тизими ҳам Самарқанд шаҳри релефи, маҳаллий ўсимликлар ва уларни суғориш услубларига мос келмаган.

2.1. Чорбоғ услубининг график реконструкциялари

Чорбоғ тартибида қурилган тарихий боғларни тўлароқ тасаввур қилиш мақсадида ушбу услубнинг ёзма тарихий манбалардаги баёнига тўхтаб ўтамиз.

ХВИ аср муаллиф Ҳиротлик зироатчи ва тарихчи Ниёзийнинг “Ирошодўз зироат фи илмил Ҳаросат” (Оқин екиш йўриқлари ва деҳқончилик илми) китобидаги “Чаҳорбоғ ва унинг иморати” бўлимига назар ташлайлик.

Унда чорбоғ тартиби қуйидагича баён етилган:

“Қоида шуки, чаҳорбоғнинг гирдини девор тагидан уч зироъ (1 зироъ 70 сантиметрга яқин) ташлаб, бир зироъ келадиган ариқ қазиладию Ариқнинг девор томонидаги қирғоғига бир-бирига яқинлаштириб сафидори Самарқандий (ок терак) екилади, у хушнамодин. Кажу (қарағай) у қадар латофатли емас, шунинг учун ҳожати йўқ. Боғ тарафидаги ариқ қирғоғига савсан (гулсафсар) екиш муносибдир. Кейин яна раҳрав учун уч заръ (заръ-газ, 107 сантиметрга тенг), арк (йул), бир зироълик ариқ қазилади. Унинг арк томонидаги қирғоғига савсан екиб, сафидордан беш зироъ узокликда бўлган пуштасига зардолу екилади; ҳар икки зардолунинг оралиғига гули сурх ва шафтолу (екиш) муносибдир. Мазкур зардолунинг ҳар биридан кейин боғ чиқариси томон беш қарч ташлаб, ё зардолу екиб, олій, узум пайванд қиладилар. Шундан кейин ораликдан иморат олдидаги ҳовузга борадиган тўғри ариқ чиқазилади. Унинг қирғоғига ҳамишабаҳор, савсани расмий ва ханжарий екиладики, улар хушнамодинлар. Мазкур шоҳ ариқнинг ҳар икки қирғоғи бўйлаб раҳрав учун атрофи ўралган арк ташланади. Кейин себарга (йўничка, беда) учун жой ташланади. Себаргазор томонда алоҳида-алоҳида баланд чаҳочаман (тўрт гулзор) ажратилади. Биринчи чаман-анор, иккинчиси-беҳи, учинчиси-шафтолу ва шадир (шафтолининг бир тури), туртинчиси амруд (нок) бўлади. Чаҳор-чаманлардан кейин боғчалар тузилади. Биринчиси боғчага кўк бинафша, елчи савсан ва зебо гул ҳисобланган садбарг; иккинчисига заъфарон, наргис ва бирор оддий зебо гул; бошқасига боғ лоласи, тоғ лоласи, дардари гуш, дардари кокилий, оддий савсан, саҳройи ва ок савсан, оддий шакойик; яна бошқа боғчага оқ ёсуман, сарик аргун, сарик бинафша, лолайи дутабака, шаббўй ва сарик лола, насрин, буғдодий, казго; яна бирига гулираъно, буларнинг оралиқларига хашхош (кўкнор гул); кейинги боғчага сарик ёсуман, гули шашмоҳа, замбак (нилуфар), каранфулгул, лиму, савсани, савсани хатмий, уни яна гулхайри деб атайдилар. БОғчага хатми хитойи, оқ ёсуман, шаб ва дўстон, чаман акруз, лолайи хитойи, бўстонафруз (гултожихуроз) екиладики, бу гуллар бирин-кетин очилади. Боғчаларнинг етагига, уларнинг шарқий ва ғарбий томонларига настарин екилади; унинг ёнидан ҳовузнинг шимолий томонидан яна икки бута настарин екадилар, ҳовуз иморатдан 20 заръ ёки қанча муносиб топсалар, шунча узокликда бўлиши керак. Иморатга яқин жойларга, унинг шарқ томонига олуболу, ғарб томонига гилос, улар оралиғига қизил аргун екилади. Иморатнинг жануб томонидаги луалапулга (атрофи ариқ бўлган суфа) олма екилади. Чунки иссиқ офтоб кунлари (олма дарахти) унинг тафтини қайтаради” (11).

Юқоридаги матндан куришиб турибдики, чорбоғ қуриш тартиби текис жойга мослаштирилган ҳолда берилган. Қиялик ва ёнбағирликларда еса текис саҳнлар урнига поғонасимон ҳолдаги кичик-кичик майдончалардан фойдаланилган. Текис поғоналар бир-бири билан тиргак деворлар ва зинопоярлар ёрдамида боғланган бўлган.

Мирмухаммад Амин Бухорийнинг “Убадуллонома” асарида Бухоро шаҳри ёнидаги Хонобод чорбоғининг қурилиши ҳақида ёзилган (7). Чрбоғ Убайдуллаҳон

томонидан 1709 йилда тархи квадрат шаклида, томонларнинг узунлиги 1500 шарият зари (1200м) га тенг қилиб қурилади. Боғ девор билан айлантририлиб ҳар томонида турт устунли баланд дарвозалар урнатилади. Боғ ичига махобатли ва мунаққаш сарой унинг атрофига еса атиргауллардан гулзорлар бунёд етилади. Чорбоғ ҳудуди мунтазам квадрат катакларга булиниб, улар ичига олтин ав уч бурчакли чаманлар уларнинг четига мевали дарахтлар, йўллар ва боғ четларига еса ёш тол нихоллари екилади. Чорбоғ ҳудуди турли хил ариқлар ва тоза зилол сув билан таъминланган яшил бустонсаро ва гулзорларн, яъни “жаннат боғи”ни еслатади, деб ёзилган (7). Юқоридаги маълумотлардан бизга чорбоғ ҳақидаги муҳим икки нарса аён бўлади. Биринчиси, чорбоғ ҳудудининг мунтазам, яъни модулли катакларга бўлиниш бўлса, иккинчиси бу ўша квадрат катакларининг ичига олти ва учбурчакли чаманларнинг ишланишидир. Биз ана шу икки нарсага еътиборимизни қаратиб, чорбоғнинг аслида модулли боғ еканлигини ва унда нафақат катта квадрат чаманлар, балки майда олти ва учбурчак чаманлар ҳам шакллантирилганлигини курдик. Бу еса бизга “чорбоғ” ни янада чуқурроқ тушуниб уни ишончли тарзда график қайта тилаш имконини беради.

2.2 Чорбоғ услубидаги меъморий боғларнинг параметрлари

Зарафшон вахоси меъморий боғларнинг режавий-ландшафт ечими икки хил:

-“чорбоғ” услубида туғри мунтазам симметрик тартибда қурилган боғ-саройлар;

-аралаш режали, яъни бир қисми мунтазам симметрик тартибда қурилиб, қолган қисмлари еркин табиат куринишида қолдирилган боғлар.

“Чорбоғ” услубидаги меъморий боғ-саройларнинг режаси квадрат ёки туртбурчак шаклида, атрофи баланд деворлар билан уралган, таркиби турт ва ундан куп қисмлардан иборат боғлар бўлган. Чороғлардаги режавий мунтазамлик, таркибий уйғунлик ва атроф муҳитдан чегараланиш узига хос холисликни, яъна ушбу услубнинг асосий фалсафий моҳиятини ташкил қилади. Шунинг учун ҳам унинг иккинчи номи “парадиз”, яъни атроф муҳитидан холилаштирилган, ажратилган жой (боғ) ёки жаннат боғи маъносини беради.

Чорбоғларнинг баланд дарвозалари бўлиб, улардан боғ марказида жойлашган саройга бош ва ёнбош хиёбонлар орқали борилган. Боғ ҳудуди бош хиёбонга нисбатан симметрик жойлашган бир талай тенг квадрат катакларга, олтин бурчак ва учбурчак шаклидаги “чорчамн” ларга тузилган. Бу булинишлар боғ дарвозасидан бошланиб, бош хиёбонга кўра симметрик тарзда амалга оширилган.

Юқоридаги маълумотлардан бизга чорбоғ ҳақидаги икки муҳим нарса аён бўлади. Биринчиси, чорбоғ ҳудудининг мунтазам (модулли, яъни микёсий) катакларга бўлиниши бўлса, иккинчиси бу уша квадрат катакларнинг ичига яна олтин ва учбурчакли чаманларнинг ишланишидир.

Куриб турибмизки, “Чорбоғ” бу модулли (микёсий) боғ, яъни режавий тузилишига кура мунтазам квадрат катаклар турига асосланиб шакллантирувчи боғдир. Унда кичик модул ролини “чаман” лар бажарса, катта модул бу “чаман”дир. Демак, чорбоғ узининг меъморий-режавий ва ландшафт ечимига

кура геометрик уйғунлик, яъни мунтазамлик ва симметрия назариясига асосланган.




Шундай қилиб, чорбоғни меъморий-режавий жихатидан яхлит бадиий естетик тушунча-геометрик уёғунлик ва холислик асосида шаклланган, мунтазам симметрик режадаги турт ва ундан куп бир-бирига тенг миқийсий қисмлардан тузилган тартибли боғ деб тушуниш мумкин.




Нақл қилишларича, чорбоғ шундай боғки, унда тупроқ ҳам, сув ҳам, нур ҳам, ҳаво ҳам бир-бирига ҳамоҳанг, яъни чорбоғда қадимги Шарқ фалсафасига хос чорунсур ҳамда йилнинг турт фаслга хос иқлимнинг рамзий ҳолати мавжуд бўлган. Унинг бир қисмида шамол ёки шабада есиб туриши зарур бўлса, боқа бир қисмида гарк пишган мевалар ва манзараларнинг мавжуд болмоғи, яна бир қисмида еса соя-салқин, сулим мухит яратилиши кузда тутилган. Чорбоғда “яшил дунё”, “сув дунёси”, “ҳайвонат дунёси”, нр (тупроқ), микроиқлим, қурилган иморат ва иншоотларнинг меъморий ва ландшафт уйғунлиги боғнинг меъморий яхлитлиги ва холислигини таъминланган. Шу туфайли ҳам чорбоғ “жаннат” рамзи ҳисобланган. Чорбоғ, чорчаман, чортараф ҳовузлар ва боғлардаги чортоқ (кушқ-сарой)лар ҳам “мараббаъ” (чорсу), яъни квадрат шакли мунтазам симметрик режага асосланган.


Чорбоғ ҳудудлари чорчаман ва чаманлар, боғ-саройи ва иморатлари ўзаро кесишувчи ўқ ариқлар бўйлаб ўтган хиёбонлар ва уларга симметрик жойлашган сайргоҳ йўллар билан боғланган. Чорбоғнинг мунтазам тартибдаги ариқлар билан таъминланиши Ўрта Осиёнинг иссиқ ва қуруқ иқлими шароитига мос келган.

Чорбоғ режавий ечимидаги меъморий боғларга Самарқанд атрофидаги нисбатан текис жойларда бунёд етилган Боғи Дилкушо, Боғи Беҳишт, Боғи Нав, Бухородаги Хонобод боғи, Ситораи Моҳи Хоса, Ҳирот боғлари ҳамда Исфанхондаги Шаҳарбоғ, Кошондаги Боғи Фин Боғларини мисол қилиб кўрсатамиз.

Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида бизгача сақланган тарихий чорбоғлар тарихини таҳлил қилар эканмиз, улардаги бош хиёбонлар ва асосий йўлларнинг ўзаро кесишган ва тугаган жойлари боғнинг бирон-бир муҳим объекти ёки боғпарк иншооти билан безатилганлигини кураамиз. Хиёбонлар кесишган, айрим ҳолларда улар тугаган жойларда боғ-саройлар, кушқлар, ҳовузлар ёки фавворалар жойлашганлигини курсак, улар бошланган ёки тугаган жойларда дарвозалар, боғ иморталари ва айвонлари учратамиз. Шундай қилиб, чорбоғ услубидаги тарихий боғларнинг меъморий режавий ва ландшафт ечимларига хос асосий тамойиллари қуйидагича ифодалаш мумкин (1-жадвал),

т/р	Боғларнинг меъморий-режавий ва ландшафт ечимларига хос тамойиллар	Ечимларнинг Чизмаларда ифодаланиши	Ечимларнинг моҳияти ва самараси
1.	Боғ худудини атроф-Муҳитдан дарвоза ва девор орқали ажратиш		Боғ худудида тўлиқ егалик қилиш ва унда холисона, жаннатсимон меъморий муҳит яратиш имкониятнинг мавжудлиги
2.	Боғларнинг меъморий-режавий ва ландшафт ечимини жой релефига мос тарзда шакллантириш: текис худудларда мунтазам режали тартибли боғлар яратиш; қияликларда мунтазам режани еркин табиат курунишдаги режавий ечимлар билан боғлаш		Боғни ташкил қилишда жой релефини еътиборга олиш, боғ худудини тежамли ва тезкор суғориш, боғда табиий ландшафт манзараларини саклаб қолиш имкониятларининг яратилиши
3.	Хар иккала режавий ечимда мунтазам тартибли симметрик чорбоғ, чорчаман, хиёбо ва чорчинор композицияларини қўллаш, нотекис боғ худудини поғоналарга бўлиб текислаш		Боғнинг ландшафт ечимида мунтазамлик ва ўзига хос орасталик тартибининг яратилиши, боғ манзарасини томоша қилиш ва очиқ-муҳитли фазовий ландшафт композициясини яратиш имконининг туғилиши

4.	Боғларни кўкаламзорлаштиришда манзарали ва мевали дарахтларни қўллаш, меъморий боғни хўжалик боғи билан мувофиқлаштириш, суғориш шахобчаларининг мунтазам ва тежамли тартибини белгилаш		Боғ ландшафти файзининг ошиши, уни нафақат меъморий истироҳат боғи тарзида, балки ундан хўжалик мақсадларида ҳам фойдаланиш имкониятининг яратилиши
5.	Боғлардаги “яшил дунёни” “сув дунёси” ва “ҳайвонот дунёси” билан уйғунлаштириш, ҳар бир дунёнинг экзотик турлари ва шаклларида фойдаланиш		Боғ ландшафти муҳитининг манзараси, биологик ва экологик уйғунлигининг ошиши, боғ муҳитига табиий гўзаллик ва орасталикнинг бахшида етилиши
6.	Боғнинг бош биноси (сарой ёки қушк) табиий ёки сунъий ишланган таг курси, платформа ёки стилобатга жойлаштириш		Боғ бош биносининг салобати ва маҳобатининг ошиши, ландшафт муҳити билан сунъий уйғунлашиши. Меъморий шаклнинг яхлитлиги ва унга урғу берилиши
7.	Боғ хиёбонларининг боши ва охири, кесишган жойларини гўзал меъморий композициялар (ховуз, фаввора, қушк, воиш ва шу кабилар) билан безаш		Йўлакларнинг боши ва охири, хиёбонлар кесишган жойлар меъморий ечимлари сифатининг яхшиланиши, уларнинг ландшафт композициялари ва мўжаз меъморий шакллар билан бойитилиши

8.	Хиёбонларни куёш нурини ётиборга олиб уфқ томонларига мос ҳолда қўкаламзорлаштириш		Хиёбонлар микроклимининг яхшиланиши, соя-салқиннинг таъминланишига еришиш
----	---	--	--

Республикаимиз Президенти И.А. Каримов 2002 йилнинг ноябр ойида Самарқандда бўлган чоғида шаҳарнинг Суғдиёна турар жой массивида курилаётган дам олиш боғига ташриф буюриб, уни яратишда йўл қуйилган камчиликлар ва уларни бартараф етиш ҳақида уз фикр мулоҳазаларини билдирган еди. Бугунги кунда Президентимиз курсатмалари амлага оширилиб, ушбу дам олиш боғининг меъморий, манзаравий, функциявий ва ландшафт ечимлари замонавий ехтиёжларга мос ҳолда яратилди. Таъкидлаш зарурки, Собик шуро даврида қаровсиз ҳолга тушиб қолган ушбу боғга фақат мустақиллик шарофати туфайлигина ётибор кучайтирилди. Вилоят ва шаҳар ҳокимлигининг маъйҳаракатлари билан боғ қайта тикланиб, унга янгича файз ва манзара берилди.

Боғ ҳудудини бешта функционал қисмларга бўлиш мумкин. Биринчиси, боғдаги мавжуд сув хавзаси қайта ишланиб, замонавий “аквопарк” ка айлантирилди,, Зарур жихозлар киритилиб бадий безалди. Иккинчиси, “ болалр дунёси” боғи ва ёш успиранларга мулжалланган аттраксионлар мажмуаси. У турли кунгил очар ва спорт уринларига мос жихозланиб бадий естетик ва манзаравий безалди. Учинчиси, боғдаги муъжаз “ҳайвонат боғи”. Унга республика ҳудуддида ва айрим хорижий улкаларда яшовчи екзотик ҳайвонлар келтирилиб уларга мос мос кулайликлар яратилган. Туртинчиси, боғдаги мавжуд хиёбон ва унга туташган ҳудуд қайта ишланиб, унга фаҳрийлар ва нуронийлар учун шарқона “миллий боғ”-чорбоғ яратишга ҳаракат қилинган. Чорбоғда нуронийламр чойхонаси, гулзорлар, фавворалар, хиёбон, кушк ва мевалит боғ ташкил қилинган. Бешинчиси, бу “Робинзон Крузо боғи”дир. Маълумки, инсоният жуда қадим замонларда бошлаб нафақат текис, балки қиялик ва тошло жойларда ҳам мўжаз боғлар ташкил қилган. Икки, уч ва ундан куп хил тошлардан турли композициялар тузиб узига хос боғ ҳудуди, хужра, айвон ва алпинариялар яратга. Суғдиёна боғида ҳам ана шундай мўжаз тошлоқ боғ яратилиб, унда Робизон Крузо хужраси ишланган. Бўлардан ташқари бутун боғ ҳудуди буйлаб кукаламзорлаштириш ва ландшафт меъморчилиги ишлари: ҳудудни ободонлаштириш, отма фавворалар ва мухитни декоратив ёруғлантириш учун ёригичлар урнатиш шакллантириш, зарур мухандислик жихозлари боғ мебелларини урнатиш, боғ дарвозаси қуриш ва пардозлаш ишлари амалга оширилган.

Боғда Париждаги машхур Ейфел минорасининг баландлиги 40 метр катталиқдаги метелдан ишланган нусхаси ўрнатилган. Унга чиқиб бутун боғ ҳудудини томоша қилиш мумкин. Окшом еса минора ёруғлантирилиб ажайиб манзара ҳосил қилинган. Шунингдек боғда катта кичик ҳайкаллар, Голливуд шаҳарчаси, ҳинд филлари, Миср еҳромлари, динозаврлар, Аловуддин ажинаси, тимсохлар каби унлаб қизикарли пластик Бадий шакллар ишланган. Улар боғнинг “Болалар ва успиранлар боғи” қисмига урнатилган.боғ ташқи деворлари

ва айвонларига 5000кв.м дан зиёдроқ бадиий расмлар, унлаб боғ ҳайкаллари ишланган. Боғда болалар сайри учун очик майдон ҳам қурилган. Боғ ҳудуди кукаламзорлаштирилиб, яшил портретлар, майсазорлар ва гулзорлар ишланган.

Боғда бажарилган ва бажарилаётган ишлар негизида шахримизда боғ ландшафти ва дизайни, гулчилик мактаби ҳамда ландшафт меъморчилиги чорбоғ услубини шакллана бошлаганини курашимиз мумкин. Шу ишлар асосида шахримиздаги мавжуд коллежлардан бирини боғ дизайни ва гулчилик соҳасини айлантириш мақсадга мувофиқлиги сезилиб турибди. Шахримизла оммавий оранжерея ҳам йуқки, унинг ташкил бўлиши шахримиз аҳолиси ва ёшларда ландшафт маданиятини манзаравий естетик безаш куникмаларини ҳосил қилишга хизмат қилади деб уйлаймиз. Самарқанд давлат меъморчилик-қурилиш институтида ландшафт меъморчилиги бўйича магистратура очилди. Енди Самарқанд қишлоқ хужалик институтида дендрология бўйича магистратура очиш долзарб масалага айланмоқда. Бу ишларнинг боғшини бирлаштиришга ва мувофиқлаштиришга мутасадди саналган шаҳар ободонлаштириш ва кукаламзорлаштириш бошқармасининг ишлари тубдан қайта куриб чиқилиши зарур. Шундагина нафақат боғларни., балки бошқа шаҳар майдонларини, пиёда йулларни, нуфузли жамоат бинолари олдилаврини замонавий гулзорлар ва яшил партерлар билан жихозлаш пайти келади.

Биз юқорида (парагрф 1.2) X аср охирида Самарқанд шаҳар майдонларинингбири ғаройиб “яшил зоопарк” (сунъий ҳайвонат боғи) билан безалганлиги ҳақида еслатиб утдик. Сарв дарахтиникузаб унга турли хил уй ва ёввойи ҳайвонларнинг шаклу-шаиойилларини бериш санъатит Самарқандда аллақочонлар мавжуд бўлган. Хозирда унут бўлган бу санъатни ҳам қайта тиклаш чоғи келди деб хисоблаймиз. Шуни назарда тутиб Сўғдиёна паркининг миллий боғ қисмида келажакда “яшил зоопарк” вужудга келтириш ва уни боғ-паркчилик санъатининг анъанавий тамойиллари қаторига киритиш айна муддаодир.

Истиклол даврида улуғ алломалар таваллудини муносиб нишонлаш ва миллий байрамлар утказиш муносабати билан асосан пойтахт шаҳарларда барпо етилаётган боғ ҳиёбонлар ва ихтисослашган истирохат паркларини ётиборга олмоқ зарур. Жумладан, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Шахрисабзи, Фарғона, Ургенч, Термиз ва Жиззахда ландшафт архитектураси ва меъморий мухит дизайнига ётибор кучайтирилмоқда, бу соҳада анчагина ижобий амалий натижаларга ҳам ерилиш. Архитектор ва ландшафт дизайнерлари фаолияти, шу жумладан ландшафт архитектураси ва дизайни фаннинг Зарафшон воҳасида жаҳон амалиётидан орқада қолиши сезилмоқда. Кейинги йилларда вилоятларнинг туманларида куплаб хужалик боғлари барпо етилди ва етилмоқда. Худудларни кукаламзорлаштириш бўйича оммавий ҳалқ ҳашарлари, республика миқёси еса ҳайрли ва яхши иш. Бироқ, барпо етилаётган хужалик боғлари билан миллий боғ истирохатчилик ва оройишчилик санъати орасида кескин фарқ бор. Хозирги хужалик боғларини Амир Темур ва Темурийлар даврида яратилган меъморий боғлар ва чорбоғлар билан мутлақо тенглаштириб булмайди. Шундай екан, Темурийлар даври ва ундан олдинги ва кейинги даврлар Ўрта Осиё миллий боғ-истирохатчилиги санъатини, айниқса унинг чорбоғ услубини қайта тиклаш ва уни янги умуминсоний қадриятлар поғонасига кутариш вақти келди.

1 боб хулосаси

1.Чорбоғ услубининг тарихий баёни илк бор Хиротлик тарихчи Ниёзийнинг “Ирошодуз зироат фил илмил Хиросат” (екин екиш йўриқлари ва дехқончилик илми) асарида берилган бўлиб, унда чорбоғни текис жойга қуриш варианти куўрсатилган. Қиялик ва ёнбўғирликларда еса текис сахналар урнига поғонасимон холдаги кичик-кичик майдончаларидан фойдаланган. Текис поғоналар бир-бири билан тиргак деворлар ва зинапоялар ёрдамида боғланган бўлган.

Мирмухаммад Амин Бухорийнинг “Убайдуллонома” асарида Бухоро шаҳри ёнидаги Хонобод чорбоғининг қурилиш ҳақида ёзилган. Унда сорбоғнинг аслда модулли боғ еканлигини ва унда нафақат катта квадрат чаманлар, балки майда олти ва учбурчак чаманлар ҳам шакллантирилганлиги курсатилган. Бу еса бизга “чорбоғ” ни янада чуқурроқ тушуниб уни ишончли тарзда график қайта тиклаш имконини беради.

2.“Чорбоғ” бу модулли (миқийсий) боғ, яъни режавий тузилишига кура мунтазам квадрат катаклар турига асосланиб шакллантирувчи боғдир.

Унда кичик модул ролини “чаман”лар бажарса, катта модул бу “чаман” дир. Демак, чорбоғ узининг меъморий-режавий ва ландшафт ечимига кура геометрик уйғунлик, яъни мунтазамлик ва симметрия назариясига асосланган. Чорбоғни меъморий-режавий жихатидан яхлит бидий эстетик тушунча-геометрик уйғунлик ва ҳолислик асосида шаклланган, мунтазам симметрик режадаги турт ва ундан кўп бир-бирига тенг миқийсий қисмлардан тузилган тартибли боғ деб тушуниш мумкин.

3.Диссертасиясида чорбоғ услубидаги тарихий боғларнинг меъморий режавий ва ландшафт ечимларига хос асосий тамойиллар жадвал қуринишида ишлаб чиқилган.

4.Хозирги вақтда Ўрта Осиё миллий боғ-истирохатчилик санъатини, айниқса унинг чорбоғ услубини қайта тиклаш ва уни янги умуминсоний қадриятлар поғонасига кутариш вақти келди.

ИИИ-боб Чорбоғ услубидаги миллий истирохат боғининг ландшафт дизайн

3.1. Боғ релефининг ландшафт ечими

Амир Темур ва темурийлар бунёд еттирган қатор боғлар ҳамда чорбоғлар ҳақида куплаб ёзилган. Чорбоғлар енафақат Ўрта Осиёда, балки Афғонистон, Ерон,Ю Покистон ва Шимолий Ҳиндистон шаҳарларида ҳам куплаб бунёд еттирилган. Биргина Самарқанд шаҳри атрофида Темур томонидан 10 дан зиёд боғ яратилган юқорида қайд қилиб утилди. Барча темурийлар, Бобур ва бобурийлар ҳамда уларнинг аёллари яратган боғлар сони еса юзга яқин. Бироқ, Ўрта Осиёда Бухородаги Ситораи Мохи Хосса ва Хивадаги Нуруллабой қасрларнинг боғларини ҳисобга олмасак, бизгача брорта ҳам Темурийлар боғ-истирохатчилик санъати-Чорбоғ услубини узида тула-туқис аск еттирувчи боғ ёки

чорбоғ етиб келмаган. Манкуратларча булган бепарволик туқфайли Бухородаги Ширбудун, Карманадаги Чармгар чорбоғ гушалари ҳаробага айланган. Улар қисман булсада чорбоғ услубини узида акс еттирган еди, деб тахмин қилишимиз мумкин.

Бугунги кунда еса маҳаллий иқлим ва ер-сув шароитларини ҳисобга олган аанавий боғларимизга катта ехтиёж туғулмоқда. Ахир, нахотки, Темурийлар даврида гуллаб яшнаган боғистироҳатчилик санъати ва унга хос бўлган Чорбоғ услубини қайта тиклаб бўлмаса. Бунинг яккаюягона иложи Темурийларнинг сунгги сулоласи-Бобурийлар яратган ва бизгача қисман сақланган меъморий боғларни, тарихий чорбоғлар акс еттирилган миниатюраларни, Ерон, Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон ва Туркияда то XIX-XX асрларгача давом етган меъморий боғдорчилик мактабларининг меросини ва бу соҳадаги тарихий манбаларни ўрганмоқ керак. Шу жумладан, Агарда Тож маҳал мақбара боғ-саройини, Акбарободда, Лахорда, Стамбулда, Исфaxonда ва бошқа керларда сақланиб қолган чорбоғлар узида уша тарихий анъаналарни сингдирганки, уларни бугунги кунда қиёсий урганиш катта аҳамият касб етади.

Ана шундай нуқтаи назар ва илмий ёндошиш асосида архитектурашунослик фанида “Чорбоғ” услубининг илк график реконструкцияси бундан 50 йилдан купроқ муққаддам (1951 йилда) академик Г.А. Пугаченкова томонилдан деворлар билан уралган, марказий дарвозали ва марказий укка нисбатан симметрик тарзда жойлашган чорчамбарлар, марказий ҳиёбон, боғ марказида еса кушк-сарой унинг олдида сарховуз ва гулзор, ёнида шипонг тасвирланган. Чорбоғнинг ушбу реконструкцияси адабиётларда то 2000 йилларгача қайта-қайта нашр қилиб келинди. 1998 йил Г.А. Пугаченкованинг ушбу реконструкцияси ва бу соҳадаги бизгача сақланган миниатюраларни урганиш асосида архитектура фанлари доктори Д.А. Назилов ҳам чорбоғ реконструкциясини 2 хил вариантда ишлаб чиқади () (расм).

Ҳар иккала вариантда ҳам чорбоғ тарҳи квадрат шаклида, реконструкцияси еса аксонометрияда акс еттирилган бўлиб, уларда бош ўққа нисбатан симметрик жойлашган чорчаманлар тасвирланган. Г.А. Пугаченкова бажарган реконструкциядан фарқли улароқ Д.А.Нозилов чорбоғнинг суғориш қурилмасини ҳам акс еттирган ва чорбоғни яққолроқ ҳажм-фазовий аксонометрик чизмасини берган. Академик М.С.Булатов ўзининг “Сады и парки Темура и Темуридов” номли мақоласида “Чорбоғнинг Г.А.Пугаченкова кўрсатган кўринишидан бошқа ечимлар ҳам амалда қўлланилган бўлиши мумкин”, деган фикрни илгари суради (15, б.24). Д.А.Нозилов реконструкциялари ҳам Г.А.Пугаченкованинг таклифидан катта фарқ қилмайди ва шунинг учун ҳам уларни чорбоғга хос ечимларнинг алоҳида бир кўринишлари деб баҳолаш мумкин.

2003 йилда архитектура фанлари доктори А.С.Уралов юқорида келтирилган Г.А.Пугаченкова ва Д.А.Нозиловлар ишлаган чорбоғ реконструкцияларига қаносатланмаган ҳолда ва М.С.Булатовнинг фикрига қўшилиб ўзининг шогирдлари техника фанлари доктори К.Ж.Рахимов ва архитектура номзоди Н.В.Дробченковалар ҳаммуаллифлигида чорбоғнинг янги реконструкциясини ишлаб чиқади. (21) расм). У ўзигача бажарилган чорбоғ реконструкцияларини еътиборга олиб ва уларга қўшимча тарзда янги тарихий манбаларни ўрганиб чорбоғнинг бутунлай такомиллашган янги график кўринишини таклиф қилади.

А.С.Уралов чорбоғни тархда ва перспективада график тасвирлаган. Олим чорбоғнинг квадрат режада ишлаган бўлсада, унинг тўғри тўрт бурчакли, 1,5 ва 2 ланган квадрат кўринишлардаги бир неча бошқа вариантларини ҳам ишлаб чиқади ва умуман чорбоғнинг чизиқли (чўзинчоқ) кўринишда ҳам бўлишлигини еътироф этади (25) ва бунга тарихдан мисоллар келтиради. Бобурийларнинг Лахорда ва Кашмирдаги Лал қули қошидаги боғларни айнан шундай чўзинчоқ тархда террасасимон кўринишда бўлганлигини айтади (27).

А.С.Уралов узи ишлаган чорбоғ реконструкциясини 750x750 м, яъни квадрат шаклда ишлаб, уни айна пайтда кўп функцияли замонавий дам олиш истироҳат боғига мўлжалланган. Бирок, бу таклиф етилаётган чорбоғни бошқа истироҳат функцияларига мослаштириб бўлмайди дегани емас. Уни чўзинчоқ, поғонасимон, чорбоғ-хиёбон кўринишдаги боғлар ечимига ҳам мослаштириш мумкин.

Кейинги йилларда Самарқанд Давлат меъморчилик-қурилиш институтининг “Меъморчилик назарияси ва тарихи” кафедрасида Ўрта Осиё халқлари боғ-истироҳатчилик санъатининг “Чорбоғ” услубини чуқур ўрганиш, аниқроғи уни мукамалроқ ва ишончлироқ тарзда график қайта тиклаш ва шу асосда ландшафт архитекторлари учун чорбоғларнинг қатор лойиҳавий таклифларини ишлаб чиқиш бўйича саъи-ҳаракатлар қилинмоқда.

Мен мазкур диссертасиям мавзусини шакллантиришда ва уни ёзишда ушбу кафедра ва раҳбарим, профессор А.С.Уралов материаллари ва унинг илмий ишларидан унумли фойдаландим. Шундай қилиб, айтиш мумкинки, чорбоғ услубини график қайта тиклаш ғоялари устида муайян ишлар бажарилган бўлсада, улар келажакда давом еттирилмоғи ва янада такомиллаштирилмоғи зарур.

3.2. Ўсимлик дунёсининг ландшафт ечими

Турли даврларда қурилган ундан зиёд ўрта аср чорбоғларининг режавий ўлчамлари ва шакллари бир-бирига қиёслаш шуни кўрсатадики, улар орасида тарх тўғри тўртбурчак шаклидаги, томонларининг узунлиги еса 1350x900 метрдан то 300x200 метргача бўлган хиллари мавжуд. Бирок, енг кўп тарқалган боғлар, асосан квадрат ва 1,5 квадрат шаклида, ўлчамлари еса 1000x1000, 900x900 метрлик катталиқдаги чорбоғлардир (2-жадвал).

2-жадвал

т/р	Боғларнинг номлари	Қурилган жойи	Даври	Ўлчамлари /м/	Режавий ечими	Шакли
1.	Боғи Жаҳоннамо	Самақанд атрофида	ХИВ аср	Узунлиги 5500	Аралаш режада	Тўрт бурчак
2.	Боғи Давлатобод	Самарқанд атрофида	1397 й.	1350x900	Чорбоғ услубида	Тўғри тўрт бурчак
3.	Боғи Дилкушо	Самарқан атрофида	1396-98 й.	900 x 900	---“”----	Квадрат
4.	Боғи Нав	Самарқанд	1404 й.	1000x1000	---“”----	Квадрат

		атрофида				
5.	Шалимар боғи	Лаҳор	1637 й.	488-214	Чорбоғ ва хиёбон	Тўғри тўрт бурчак
6.	Шалимар боғи	Кашмир	ХВИ аср	500x200	---“”---	Тўғри тўрт бурча
7.	Хонобод боғи	Хива	ХИХ аср	1000x1000	Чорбоғ усулида	Квадрат
8.	Ситораи Моҳи Хоса	Бухоро	ХИХ аср	1000x1000	Чорбоғ услуида	Квадрат
9.	Боғи Фин	Кошон	ХВИ аср	200 x 300	---“”-----	Тўрт бурчак
10.	Чехел- Сутун	Ерон	----“”---	300 x 250	----“”----	Тўрт бурчак
11.	Боғи Беҳишт	Самарқанд атрофида	ХВ аср	400 x 250	----“”---	Тўрт бурчак

Биз У Алимов ва Ш. Аскарловларнинг тадқиқотлари натижалари ва шахсий изланишларимиз асосида чорбоғларнинг режавий шаклини кўп ҳолларда квадрат, бир ярим квадрат ва икки квадратдан иборта еканлигини, ўлчамларини еса 500 x 500, 750x500 ва 1000x1000 метрлик катталикларда бўлишлигини аниқладик. Бу еса чорбоғ услуида бино етилган боғ ёки паркларнинг бизнинг шароитимизда 25 гектардан то 100 гектаргача бўлишлигини тақозо етади.

Кейинги йилларда Самарқанд Давлат меъморчилик-қурилиш институтининг “Меъморчилик асослари” кафедрасида Ўрта Осиё харқлари боғ-истироҳатчилик санъатининг “Чорбоғ” услубини чуқур ўрганиш, аниқроғи уни мукамалроқ ва ишончлироқ тарзда график қайта тиклаш ва шу асосда ландшафт архитекторлари учун чорбоғларнинг қатор лойиҳавий таклифларини ишлаб чиқиш бўйича саъйҳаракатлар қилинди.

Ўтмишда ота-боболармиз, меъморлар ва боғбонлар тафаккурининг муштараклигида бунёд етилган истироҳат боғлари, боғ-саройлар ва чорбоғларни ўрганар еканмиз, уларга хос бўлган меъморий уйғунлик, табиий манзаралар ҳамоҳанглиги, улар муҳитидаги орасталик, изчиллик меъморий тартибот ва боғлар оройишчилиги санъатининг юксак туйғуларини ҳис етаммиз. Афсуски, худди ана шу муҳим меъморий туйғулар ҳозирги кунда яратилаётган боғлар муҳитига етишмай турибди. Ишонаммизки, биз таклиф етган чорбоғ услуби, унга хос меъморий-манзаравий ландшафт ечимлари ва оройишлари келажакда бунёдкор халқимиз ва меъморларимиз тафаккурини янги имкониятлар сари сарафроз етади.

3.3. Сув дунёсининг ландшафт ечими

Чорбоғдаги енг муҳим масалалардан яна бири унга екилган екинлар ва дарахтлар тури ва уларни екишда қўлланган манзаравий композициялардир. Бу масалада аввало шуни таъкидламоқчимизки, Ўрта Осиё меъморий боғларида

мевали ва манзарали дарахтлар биргаликда екилган. Чорбоғдаги мевали дарахтлар турига ўрик (зардоли), бодом, шафтоли, гилос, нок, аржир, жийда, тут ва писта кирган ва алоҳида узумзорлар ташкил қилинган. БОғларда мевали дарахтлардан ташқари соя-салқин берувчи, ўзидан хушбўй хид тарқатувчи манзарали дарахтлари: тол (табар хун), мирза терак (Сафидори Самарқандий), чинор, сарв ва аръар (қора арча) каби дарахтлар ўрин олган. Мажнунтоллар, сарв ва аръарлар боғлардаги ҳовуз бўйига екилган.

Боғларда мевали ва манзарали дарахтлардан ташқари ҳар хил гуллар ва кўкатларга алоҳида жой ажратилган. Тарихий китобларда уларнинг қуйидаги турлари қайд қилинган: ҳамиша баҳор, савсани расмий, ханжарий, кўк бинафша, садбар, заъфарон, наргиз, боғ лоласи, тоғ лаласи, дардари гуш, дардарий кокилий, оддий савсан, саҳройи савсаннинг бир неча турлари, оддий шакойик, шаббўй, сариқ лола, настарин, бағдодий, казғо, гули раъно, кўкнор гу, сариқ ёсумон, гули шаш моҳа, нилуфар, каранфулгул, савсани ҳатмий, шаб ва дўстон, чаман афруз ва гултожихурос кабилан маълум. Бу анъаналар чорбоғ услубидаги боғлар ечимида муҳим меъморий-режавий ва ландшафт тартиботи тарзида кўп асрлар давомида қўлланиб келинган.

Чорбоғлардаги хиёбонлар бош йўл ва сайргоҳ йўлакларнинг икки тарафига қуёш йўналишитга қараб соябон дарахтлар ва мавсумий гуллар екиш орқали ташкил қилинган. Хиёбонлар дарахт ва ўсимликларнинг екилиш тартибига қараб ёки ёпиқ кўринишларга бўлган. Очик хиёбонларда дарахт шохлари бир-бирига қўшилиб кетмаган. Ёпиқ хиёбонларда еса, аксинча, дарахтлар ўсиб йўлак устини юқоридан ёпиб қўйган. Натижада бундай хиёбонлар серсоя ва салқин бўлган, йўлак четига қўйилган ўриндиқларда ўтириб, ҳордиқ чиқариб дам олинган. Бош хиёбонлар, ҳовузлар бўйларидаги супалар ва айвонлар атрофлари, чорбоғ деворлари қошига манзарали дарахтлар, сайргоҳ йўлакчалар ва чорчаманларга мевали дарахтлар екилган.

Меъморий боғлар ичида икки хил манзарали муҳит; серсоя ёпиқ ва соясиз очик яшил муҳитни кузатиш мумкин. Ёпиқ яшил манзарага одатда серсоя хиёбонлар, дарахтзор йўлаклар кирса, очик муҳитга майсазор, бедазорлар, гулзорлар ва чаманзорлар кирган. Ҳар иккала муҳитнинг майдони нисбат жиҳатидан бир-бирига тахминан тенг бўлган. Ёпиқ ва очик муҳитда яшил майдонлар бирбиридан ландшафт, ҳавосининг мусаффорлиги, намлиги ва ҳароратига қараб фарқ қилган ёпиқ яшил муҳитда ҳаво иссиқлиги сезиларли равишда паст, нисбатан нам, очик яшил муҳитда еса аксинча. Ҳар иккала муҳит микроиклим орасидаги ушбу фарқ туфайли боғда ёзнинг жазирама иссиқ кунлари ҳам енгил шабада тўлқини сезилиб турган. Ушбу самара чорбоғ услубидаги Урта Осиё боғларига хос бўлиб, серсоя сув ҳавзалари атрофидаги чорпояларда янадак сезиларли ва завқли бўлган.

Темур қурдирган айрим боғларда (жумладан, Боғи Давлатобод, Боғи Биҳишт, Боғи Чинор) боғ саройлари табиий ёки сунъий баланд тепаликлар(туккурсилар) устига қурилган бўлиб, улар боғнинг турли томонларидан, айниқса сарой ва уларга елтувчи хиёбонлардан яққол кўзда ташланиб турган. Гўзал саройлар қурилган тепаликлар ёнига ушбу саройларнинг акси тушиб турувчи сунъий сув ҳавзалари ишланиб, улар гир айлана, кенг арик

ёки ҳовуз фавворалар тарзида бўлган. Бу каби меъморий услублар боғни янада гўзал ва тароватли қилган дам олувчилар дилини еса завқ-шавққа тўлдирган.

Меъморий боғлар дил олувчан ва ертакнома бўлишлиги учун уларни чиройли ҳайвонатлар билан беаганлар. Боғда сайр қилиб юрган оху ва товуслар, ҳовузларда сузиб юрган урдак ва ғозлар шулар жумласидандир. Товуслар боғлар беаги учун яратилган махсус қушлар бўлиб теурийлар яратган боғларда турли хил шундай қушлар бўлган. Клавиҳо ҳам Теурунинг Самарқанддаги Давлатобод боғида оху ва тустовуқлар бўлганидан далолат беради. Боғлардаги ҳайвонат олами кўпгина нафис суратлар (миниатюралар) да ҳам учратиш мумкин. Хирот боғларининг бирини махсус Ҳовузи Мохиён-Балиқлар ҳовузи беаган. Бундай жонзотлар Шарқ боғлари хуснига хусин қўшган.

1.Архитектурашунослик фанида “Чорбоғ” услубинининг илк график реконструкцияси бўндан 50 йилдан купроқ муқаддам (1951 йилда) академик Г.А. Пугаченкова томонидан яратилган. Чорбоғнинг ушбу реконструкцияси адабиётларда то 2000 йилларгача қайта қайта нашр қилиб келинди. 1998 йил Г.А. Пугаченкованинг ушбу реконструкцияси ва бу соҳадаги бизгача сақланган миниатураларни урганиш асосида архитектура фанлари доктори Д.А. Назилов ҳам чорбоғ реконструкциясини 2 хил вариантда ишлаб чиқади.

Кейинги йилларда Самарқанд Давлат меъморчиликқурилиш институтининг “Архитектура назарияси ва тарихи” кафедрасида Ўрта Осиё ҳалқлари боғистироҳатчилик саънатининг “Чорбоғ” услубини чуқур ўрганиш, аниқроғи уни мукамалроқ ва ишончлироқ тарзда график қайта тиклаш ва шу асосда ландшафт архитектуралари учун чорбоғларнинг қатор лойиҳавий таклифларини ишлаб чиқиш бўйича саъйҳаракатлар қилинмоқда.

2. биз У. Алимов, Ш. Асқаров ва А. Ураловларнинг тадқиқотлари натижалари ва шахсий изланишларимиз асосида чорбоғларнинг режавий шаклини кўп ҳолларда квадрат, бир ярим квадрат ва икки квадратдан иборат еканлигини, улчамларни еса 500х500, 750х500 ва 1000х1000 метрлик катталикларда бўлишлигини аниқладик (2жадвалга қаранг). Бу еса чорбоғ услубида бино етилган боғ ёки паркларнинг бизнинг шароитимизда 25 гектаргача бўлишлигини тақазо етади.

3. Ўрта аср Ўрта Осиё меъморий боғларида мевали ва манзарали дарахтлар биргаликда екилган. Чорбоғдаги мевали дарахтлар турига урик (зардоли), бодом, шафтоли, олҳури, олма, анорларнинг бир неча хиллари, ширин ва нордон беҳи, олча, гилос, нок, анжир, жийда, тут ва писта кирган ва алоҳида узумзорлар ташкил қилинган. Боғларда мевали дарахтлардан ташқари соя-салқин берувчи, узидан хушбуй ҳид тарқатувчи манзарали дарахтлари: тол (табар хун), мирза терак (Сафидори Самарқандий), чинор, сарв ва аръар (қора арча) каби дарахтлар урин олган. Мажнунтоллар, сарв ва аръарлар боғлардаги ҳовуз бўйига екилган.

Боғларда мевали ва манзарали дарахтлардан ташқари ҳар хил гуллар ва кукатларга алоҳида жой ажратилган. Уларнинг турларидан ҳамиша баҳор, савсани расмий, ҳанжарий, кук бинаша, садбар, заъфарон, нарғиз, боғ лоласи, тоғ лоласи, дардари гуш, дардарий кокилий, оддий савсан, сахройи савсаннинг бир

неча турлари, оддий шакойик, шаббуй, сарик лола, настарин, бағдодий, казго, гули раъно, кукнор гул, сарик ёсуман, гули шаш моха, нилуфавр, каранфугул, савсани ҳатмий, шаб ва дустон, чаман афруз ва гултожтхуроз кабилар маълум.

4. чорбоғлардаги ҳиёбонлар бош йўл ва саройгоҳ йўлакларининг икки тарафига қуёш йўналишига қараб соябон дарахтлар ва мавсумий гуллар екиш орқали ташкил қилинган. Ҳиёбонлар дархт ва усимликларнинг екилиш тартибига қараб очиқ ёки ёпиқ қурилишларда бўлган. Очиқ ҳиёбонлар еса, аксинча, дарахтлар ушиб йўлак устини юқоридан ёпиб қуйган.

Якуний хулосалар:

Диссертасия натижалари ва илмий таклифлар

Ўтказилган тадқиқотларимиз асосида қуйидаги хулосаларга келдик:

1. зарафшон воҳаси боғистироҳатчилик санъати жуда қадим, яъни ерамизгача бўлган узок замонлардан бошлаб шаклланиб, таққий топиб баъзан суниб ва яна қайта тикланиб, ривожланиб келган.
2. боғлар жойлашишига кура икки хил: шаҳар ичидаги яшил майдонлар ва боғлар, шаҳар ташқарисида ва атрофидаги боғларга бўлинган;
3. боғлар муайян меъморий тартиб ва режалар, манзаравий воситалар, бадий услублар ва ландшафт ечимлари асосида шакллантирилган. Аксарият боғларни меъморлар ва боғбонлар буюртмалар асосида лойиҳалаб бунёд етган;
4. функцияси жиҳатдан боғлар қуйидагича таснифтизимида ега бўлган:
 - шохлар, шахзодалар, амир ва хонларнинг ов қилиб дам олишига мулжалланган “қуриқхонлар”;
 - елчилар ва меҳмонларни равмий қабул қилишига мулжаллангангистироҳат боғлари;
 - ҳуқумдорлар, уларнинг оилалари ва яқинларининг дам олишига мулжалланган боғсаройлар;
 - бойзодагонларнинг шаҳардан ташқаридаги қурғончачорбоғлари;
 - шаҳар ичидаги яшил майдонлар ва боғчалар.
5. Боғлар уч хил меъморийрежавий услуб ва қурилишларида шакллантирилган:
 - чорбоғ услуби, яъни мунтазам режали симметрик тартибидаги боғлар;
 - қуриқхона услуби, яъни мунтазам режали симметрик тартибидаги боғлар;
 - боғсаройлар, яъни еркин режа ва мунтазам симметрик режалар муштараклигида шакллантирилган боғлар.
6. Зарафшон воҳаси боғистироҳатчилик санъатида “чорбоғ услуби” етакчи мавқени егаллаган. Чорбоғбу модулли (миқйёси) боғ бўлиб, ҳудуди бош уқка нисатан мунтазам симметрик режада, тўрт ва ундан кўп бўлган бир-бирига тенг “чорчаман” ва “чаман” ларда тўзилган тартибли боғдир. Унда кичик модул ролини чаманлар бажарса, катта модул бу чорчамандир. Чорбоғ узининг режавий ечимига кура инсон тафақурининг енг олий

тасавуридаги жаннат боғига хос бўлган хандасавий уйғунлик назариясига ва модул тизимига асосланган.

7. Чорбоғ услубининг бир неча композициялари: чорбоғ, поғонасимон чорбоғ, чорбоғ хиёбон, чорчаман, чортоқ ва чорчинор турлари мавжуд бўлиб, улардан нафақат Зарафшон воҳаси, балки Ўрта Шарқ халқлари ҳам боғистирохатчилик амалиётида кенг фойдаланиб келган.
8. Боғларнинг таркибий қисмлари: “яшил дунё”, “сув дунёси”, “хайвонот дунёси”, боғ иморатлари ва оройишлар нафақат хандасавий, балки экологик ва ергономик уйғунлик тамойиллари асосида ҳам мутаносиблаштирилган;
9. Боғлардаги яшил дунё таркибига манзарали ва мевали дарахтлар, буталар, ерта баҳордан кеч кузгача бирин-кетин очилувчи гуллар, чирмовик усимликлар ва майсалар кирган. Манзарали дарахтларга мирзатераклар тол, чинор, сарв, мажнунтол, қайроғоч ва шамшотлар кирган. Улар ёрдамида боғда очиқ ва ёпиқ хиёбонлар шакллантирилган. Мевали дарахтлардан олмаларнинг утурли навлари, урик, шафтоли, анор, нок. Олча, анжир, тут ва бодомлар кўп екилган, алоҳида узумзор бўлган. Гуллардан ҳамиша баҳор, атиргуллар, бинафшалар, савсан, гулираъно, нилуфар, шаббуй, гултожихуроз, аргун, садбарг, ханжарийлар кўп екилган.
10. Боғларнинг сув дунёси ариқлар, булоқлар, олти ва саккиз бурчакли ҳовузлар, фавворалар, шалолалар ва шаршарлардан тузилган. Хайвонот дунёси еса ёввойи ва хонақи хайвонлар, балиқлар, паранддалар ва қушлардан иборат бўлган.
11. Поғонасимон чорбоғлар ҳудуди релефли қиялик ва қирлардан ибрат боғларда қулланилиб, боғ поғоналари тиргак деворлар, зинопоялар ва шалолар билан боғланган.

Юқоридаги тадқиқотларимиз асосида қуйидаги **илмий натижаларга** еришилди:

- боғларнинг хиллари, яъни жойлашиши ва функциясига ва қараб тасниф тизими ишлаб чиқилди;
- боғларнинг меъморий-режавий ечимидаги услублар ва композициялар аниқланди;
- чорбоғ услубининг мазмуни ва моҳияти, меъморий ва ландшафт ечимларига хос асосий тамойиллар очиқ берилди;
- чорбоғ услубини боғ-истирохатчилик санъатида амалиётга қайта тиклаш концепсияси ишлаб чиқилди.

Мазкур **концепсияни амалга ошириш** мақсадида қуйидаги ишларни тақлиф етамиз:

- боғ-истирохатчилик санъатида “Чорбоғ” услубини қайта тиклаш концепциясини Зарафшон воҳаси вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларига тақдим етиш;
- ушбу концепсияни Самарқанд шаҳридаги Саттепо даҳаси истирохат боғи, СамДАҚИ қошидаги Улуғбек дам олиш боғи ва Самарқанд вилоятидаги Имом ал-Бухорий ёдгорлиги мажмуаси қошида ташкил етиладиган миллий боғларни лойиҳалаш асосида апробасиядан утказиш;

- ушбу боғларни бунёд етиш жараёнида Зарафшон воҳаси боғ оройишчилиги санъатининг “Чорбоғ” услубини амалда қайта тиклаш тадбирларини аниқлаш ва такомиллаштириш;
- концепсияни ушбу боғлар мисолларида амалиётга жорий қилиш орқали мазкур лойиҳаларга Имом ал-Бухорий ҳалқаро жамғармаси ва унинг Самарқанд бўлими, Самарқанд вилоят ва шаҳар ҳокимликлари ҳамда “Ўзбектуризм” миллий компанияларни жалб етиш имкониятларини тўғдириш.

Диссертасия натижаларидан фойдаланиш мумкин бўлган ташкилотлар: боғ-истирохатчилик санъатимиз асосларини ўрганишга ва қайта тиклашга дахлдор бўлган муассасалар, республика вилоятлари, шаҳарлари ва туманлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Фанлар Академияси ва Бадиий Академия, маданият ишлари вазирлиги, “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик марказлари, Ўзбекистон фанлар академиясининг Боғдорчилик ва табиатшунослик институтлари, Ўзбекистон меъморлар уюшмаси қошидаги “Ландшафт архитектураси маркази”, “Ўзбектуризм” миллий компанияси, шунингдек санъатшунослар, лойиҳачи архитекторлар, тарихчилар, ландшафт архитектураси ва дизайни соҳасида таълимолаётган бакалавр ва магистрлар, олий укув юр்தларининг ўқитувчилари фойдаланиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар руйҳати

1. **Каримов И.А.** Тарихий хотирасиз келажак йўқ. // мулоқот журнaли, 1998 йил 6-сон
2. **Каримов И.А.** Биз келажакни уз қулимиз билан қурамиз. Асарлар. 7жилд. Т., 1999.
3. Ўзбекистон республикасининг маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш ҳақидаги Қонуни . Т., 2003.

Тарихий манбалар

4. **Адам Мес.** Мусулманский Ренессанс. М., 1966.
4. **Захриддин Мухаммад Бобур.** Бобурнома. Т., 1960.
5. **Ибн Арабшох.** Амир Темур даврида тақдир ажойиботлари. 2-к. Тошкент., 1993
6. **Клавихо.** Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403-1406 гг.) . М., 1987.
7. **Мирмухаммед Амин-и Бухори** Убайдулла-наме. Т., 1957.
8. **Наршахий.** Бухоро тарихи. Т., 1991 (“Мерос Туркуми”).
9. **Ниёзий. Ирошодуз Зироат Фи Илмил Хиросат. УзФАШИ қулёзмаси.**
10. **Шарафиддин Али Яздий.** Зарафшоннома. Тошкент., 1972.

Махсуса адабиётлар

11. **Алимов У.** Ўрта асрларда Мовароуннахрдла боғчилик ҳужалиги тарихи. Тошкент., 1984.
12. **Аскарлов Ш. Д.** Регион-город-пространства.-М., 1997.
12. **Анарбаев А.** Благоустройство Самарканда ХИ-начало ХИИИ вв. ОНУ. `1995, № 10-11-12.
13. **Ахмедов М.К.** Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи Т., 1998.
- 14 **Бобоходжаев М.А.** Герат еплхи Алишера Навои. Т., 1968.
15. **Булатов М.С.** Сады и парки Темура и Темуридов. // Маскан, 1993. №2

- 16. Дробченко Н.В.** История становления и пути развития ландшафтной архитектуры в Узбекистане. Архитектура номзоди илм. Дараж. Учун ёзил. Диссертация. Т. 2004.
- 17.** Записки путешественников о Самарканде. // маскан, № 9-10, 1992. 26-27 бетлар (Ураловники).
- 18. Ибрагимов Н.** Ибн Батута и его путешествие по средней Азии. М., 1988.
- 19. Нозилов. Д.А.** Марказий Осиё меъморчилигида интерер. Т., 2005.
- 20. Нозилов Д.** Чорбо-. Т., 1986.
- 21. Ожегов С.С., Уралов А.С., Рахимов К.Ж.** Ландшафт архитектураси ва дизайни. Самарканд: СамДАБИИ. 2003.
- 21.** Озеленение городов Средней Азии. Т., 1964.
- 22. Пугаченкова Г. А.** Зодчество Центральной Азии. XV век. Т., Изд. Гафур Гуляма, 1976.-116с.
- 23. Пугаченкова Г.А.** Из художественной сокровищницы Среднего Востока. Т., 1987. с-172-185.
- 24. Тохтаходжаева М.С.** Общие в архитектурно-планировочных приемах садово-паркового искусства Средней Азии ХИВ-ХВ вв. и Индии ХВИ-ХВИИ вв. // Градостроительства и архитектура. Т., 1989.
- 25. Уралов А., Хожихонов М.** Темурийлар маънавияти ва маданият. Самарканд: Су-диён, 1996.-234 б.
- 26. Уралов А.С. Хожихонов М.** Улуғбек яратган маънавият. Т., 1994.
- 27. Уралов А.С., Рахимов К.Ж., Уралов Ш.** Марказий Осиё ландшафт меъморчилигининг чорбо- услубига хос хусусиятлари. // «Ўзбекистонда ландшафт меъморчилигини ривожлантириш йўллари» мавзусидаги Республика илм.амал.конф.материаллари. Самарканд 2003.-10-13 бетлар.
- 28. Уралов А.С.** Марказий Осиёнинг исломгача даврдаги боғ-парклари ва уларнинг кейинги даврлардаги изчиллиги. // Меъморчилик ва қурилиш муаммолари журнали. Самарканд. СамДМҚИ, 2001, № 1-2.
- 29. Хусаинова А.А.** Ранний этап формирования г. Самарканда. // Вопросы теории архитектуры Узбекистана. Сб. н.т., Вип. 212. Т., 1977-27-34 бетлар.
- 30. Шаская Т.В.** Акванизайн Стран Востока Т., 1997.
- 31. Широков Т.Ш., Бердимуродов А.** Амир Темурнинг боғ-саройлари. Самарканд, 1996.
- 32. Юсупова М.АК.** Традиции архитектурного сада “Чорбоғ” в зодчестве Бухары ХВИ-ХВИИИ вв. // Средняя Азия: археология, история и культура. –М., 2001.